


63.3(54/

0-48

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат ва жамият қурилиши академияси

«Ойина»
(1914-1915 й.)



«Академия» нашриёти
Тошкент
2001

мавжуд булгани ҳолда тадқиқотчилар бу манбалардан фойдаланган рус ёки бошқа чет эл олимларининг фикрига суянаётган ҳоллар ҳам учрайди. Бу эса, айрим ҳолларда, чалкашликларга, хатоларга сабаб бўлмоқда. Ваҳоланки, тарих билан шугулланувчи олим ўзи урганаётган давр юқса-ҳодисаларини бировнинг фикри асосида эмас, авваламбор илк манбалар асосида ўзи ҳолис тадқиқ этиши, ўз муносабатини билдириши илмдаги асосий талабдир. Иккинчи ёки учинчи манбалар эса ёрдамчи материал бўла олади, ҳолос.

Шуларни эътиборга олган ҳолда, Туркистон тарихини ёритувчи илк манбалардан бири - "Ойина" журналидан бир қанча мақолаларни танлаб, китобхон эътиборига ҳаюла этмоқдамиз. Ушбу нашрни тайёрлашда жон куйдирган олимимиз Наим Норкулов ва тадқиқотчи Камолиддин Раббимовга чин дилдан ташаккур билдирамиз.

Мақолаларнинг тили ва услуби, айрим имло тузатишларини ҳисобга олмаганда, асл ҳолида сақлаб қолинди. Ҳар бир мақола сарлавҳасидан олдин қисқача изоҳ ва тушунилиши қийин сузлар учун китоб охирида лугат берилди.

Алишер Азизхужасв

ИБТИДОЙИ МАКТАБЛАРИМИЗНИНГ ТАРТИБСИЗЛИГИ ЁХУД ТАРАККИЙНИНГ ЙЎЛИ

Мактабларни ислох қилиш тарафдори муаллим Нисзий Ражабзода ўз мақоласида ибтидоий мактаблар замон талабига жавоб бера олмай қолганлигини далиллар билан исбот этади. Зеро тараққиёт мактабдан бошланади; илму маърифатсиз миллат маҳкум ҳолга тушади.

Мактаб ва мадраса бир миллатнинг, ҳатто бани одамнинг даражаси тараққий ва таолоси деб бўладур. Фақат тараққий ва таоло, мактаб ва мадрасаларнинг кўпчилигига бўлмайдиганча, балки низом ва тартиблик бўлуб, яхши идора этилмоғи ила бўладур. Дунёда мавжуд миллатлар тараққийни ибтидоий мактабдан бошларлар. Ҳақиқатан, тараққий ва таоло учун биринчи йўл ва асос мактабдур. Мактаб ислох қилинса умум ишлар ислох ва тартибга кирди, деб бўладур. Чунки камроқ бўлса ҳам ислох қилинган мактабдан чиққан болалар ислохпарвар бўладурлар. Биз туркистонийларга лозимдурки, болаларимизнинг кўз очиб кўра турган 8-10 йиллар умр сарф қилатурган “доруттарбия”лари бўлган мактабларнинг ҳолига назари диққат ила қарасак, ҳоҳ Бухоро, Самарқанд, Тошқанд, ҳуллас, умум Туркистон шаҳарларинда бўлган мусулмон қариндошларимиз инсоф ила фикр қилсалар, мактабларимизни кўп паришон ва беинтизом ҳолатда кўрарлар. Таҳзиб ва тасфийи ахлоқ деган нарсаси мактабларимизда ҳеч йўқ. Муддати таҳсил кўп узок бўлганлиги учун кўп кишилар болаларини 8-10 йил мактабга қўёлмайдурлар. Чунки қудрати истеъдодлари етмайдир. Ҳам мактабларимизга интизом йўқдур. Шунинг учун мактабга юрган болаларимиздан 10 ё 8 нафардан 2 ё 3 нафар ахли савод бўлуб чиқадулар.

Мактабларда зарур китоблардан таълим бермаганлари ва уқутган китобнинг маъносини болаларга билдурмаганлари учун болалар ўқимок ва ёзмакдан бошқа мактабдан ҳеч бир маълумот ололмайдилар. Мактаб ва мадраса бир миллат ва бир қавмнинг эмас. Бутун кураи арзда яшайтурган инсонларнинг даражаси тараққий ва таолоси бўлуб, мактаб

ва мадрасалари бўлмаган, сҳуд бўлуб-да ниҳом ва тартибга қўлмаган миллатнинг ҳоли паришон, мозийси барбод ва истиқболи қоронгу ва умидсиз буладур. Бугун Бухорода юзларча мадраса ва қарийб 350 қадар ибтидоий мактаблар бордур. Булардан ҳеч бириси тартиб ва интизомлик эмас...

Илмнинг фазилати нима эканини ақлу зеҳн ила билмоқ мумкин бўлгандек Қуръони Карим ва Ҳадиси шарифга ҳам баён қилинуб, таҳсилу таълим ҳаққинда ташвиқу тарғиблар кўпдур. Илму фан ҳадди эътинда саноат жумласидан бўлганлиги учун бошқа санъатлар каби маданият ва умронга тобсдур. Маданият илгари кетган ҳолда илм ҳам тараққий этиб илгари кетадур. Нафси илм санъат жумласидан бўлган каби таълим ва тарбия равишлари ҳам санъат жумласидандур. Бано алайх замон ва маданият тараққий этиб эҳтиёж ва изтироҳ каби шайлар қуввоқс булганча ва тарбиянинг равиш ва суръатлари ҳам тағйир ва табдил топадур. Бул тариқа тағйир этуб узгарганига ақлу фаросат аҳллари ҳам иттифоқ этгандурлар. Бизларга ўхшаш оламга масҳара бўлуб, ўз ораларида бул (усули жадид) ва ул (усули қадим) деқуб низолашуб турганлар. Асри саодатда илмлар ҳамиша қалбларда саҳлануб, умумий таълим ва тадрислар жомеъларда бўлинуб эди. Сўнгралари маслаҳат иқтисосига қараб илмни, нашр (тарқатмоқ) учун маҳсус жойлар ҳозирлаб, онларга (мактаб ва мадраса) деган номлар қўюбдурлар. Шундан маълум буладурки, асри саодатда мактаб, мадрасалар йуқ экан, сўнгра зуҳур топубдур. Ҳозирда мактабларни идора жиҳатидан мактаби умумия ва мактаби хусусия деқуб, иккига ойирдилар. Таълим ва тадрис назаридан ҳам ибтидоий, рушдий, эъдодий ва олий номларига тақсим қилинуб юритиладур. Ибтидоий мактаблар эса инсонларнинг энг илгариги ва маориф хонаси бўлуб, онда: заруриети диния, одоб, ахлоқ, ўқув, ёзув, кироат ва ҳуруфот дарслари таълим этилуб таҳсил қилинур. Ибтидоий мактаблар болаларни қандай бир йўл ва маслакка кирмоқ хоҳласа, ул йўл ва маслакка срайтурган суратда бир қувват пайдо қилуб чиқарга ҳозир этуб берадур. Шунинг учун ибтидоий мактаблар кўп олдин тутиладур. Илму маърифатсиз ҳеч бир миллат муборизайи ҳаёт майдонида туролмас. Хоҳ ул миллат миллати ҳокима ва хоҳ миллати

махкума бўлсун илму маърифатдан махрум бўлганлиги учун бошқа санъат ва ҳунар соҳиби бўлган миллатларнинг осги остида эзилурга мажбур бўладур. Чунончи, зироат, саноат, тижорат каби лавозимоти инсониятнинг вужудга келмоғи мактаб, мадрасаларнинг тартиблик дарсларнинг замон ва маконга мувофиқ бўлганлигидандур.

Миллати махкум сифати ила ёшойтургон миллатлар агарда ўзларининг дин ва миллиятларни ғойиб этмай ёшомоқчи бўлса аларга давлат ва бойлик ҳосил этмоқ лозим бўладур. Бой бўлган миллат албатта дунёда яшай оладур. Ул миллатнинг динига эмас, ҳатто миллиятига ва шахсиятига ҳеч ким тегга олмайдур. Масалан, ерсиз, сувсиз қолган яҳудийларнинг ҳолига қараб ибрат олсак ҳам бўладур. Аларни ҳар бир мамлакат халқи ўзларининг ерида турганларига рози бўлуб изн ва жавоб бермайлар. Лекин, алар ҳамонда турарлар. Аларга қарасак қандай улуг ва катта шаҳарларнинг энг яхши ва энг тузук жойларига турарлар. Нимага яхши жойларда турарлар. Чунки яҳуд миллати баданмат ва ҳунарманддур. Ҳунарлик ва бой бўлмоқ учун нима лозимдур? Албатта илму маърифат лозимдур. Илму маърифат учун мактаб, мадрасаларнинг ислох қилинуб, низом ва тартибга киргузилмоғи лозимдур. Ҳунар ва маърифатлик бўлган миллатларнинг халқлари фақир ва бечора бўлуб, дарёешлар қисфатига кируб, гадойлик қилуб юрмайлар. Қураммизки, ерлари оз, халқ ва аҳолиси кўп бўлган Англия ва Германия мамлакатлари илму санъатлар орқасида ер юзининг бойлигини ўзларига қоратуб олибдурлар. Аммо ерлари кўп, халқи оз. Нима эксак, шул ҳосил булурлик. Эрон, Бухоро мамлакатлари фақир бўлуб, ўзгаларнинг турли мол ва матоларига мухтож бўлуб турадурлар. Бухоро ва Туркистон мусулмонлари учун зироатдан сунгра энг аҳамиятли нарса сандо ва тижоратдур. Мусулмон деҳқон ва чўпонларининг меҳнати соясида умум Туркистондан ҳар йил икки юз миллион сўмга қарийб нарса ҳосил бўладурки, шунинг юздан тўқсони яҳудий тужжорининг қўлидан ўтадур. Фақат биз мусулмонлар ҳар ишда кейин борганимиздек савдо ва тижоратда яҳудийларнинг асири бўлдук.

Биз ерли мусулмонларга ҳаммоллик ва маъмуриятдан бошқа ортиқ бир мавқеъи муҳим қолмади. Катта бино ва

магозинларни сохиби ва хожаси яҳудийдир. Меҳнат қилувчилар биз мусулмонлардурмиз. Бутун савдо ва тижоратни қўлига олган ҳомийсиз яҳудий миллатидур. Яҳудийларга ўпка қилмаймиз ва адоватимиз йўқдур. Алар ўз гайрат ва маҳоратлари ила ушбу пояга чикдилар. Ҳар қанча нуқсон ва айб эса яна узимизгадур. Савдо ва тижоратда яҳудийлар тутган йўлни тутмадук. Яҳудийлар билган ишни биз билмадик. Бизлар эса айшу ишрат ила умр уткардук. Имдод ва муъованат қилувчиларга қўл узатмадик. Биз ташаббус қилсак ҳар ишда бизга руслар ёрдам қилурлар. Зотан, руслар ҳам бизнинг бу холимизга таассуф қиладурлар. Биз савдо ва тижоратда ҳам қуруқ сўз ва тасқ ила урун тутмаймиз. Яна илмга, мактабга мухтож бўлурмиз. Бизни тараққий ва таоло қилдиргувчи ибтидоий мактабдур. Бизга йўл кўрсатмоқ ва бизни тараққий қилдурмоқ, уламо ва рухонийларнинг вазифаси эди. Лскин булар ўз вазифаларини ийфотмай, бизларни жаҳолатда қолдуруб, хароб қилдилар. Худойи таоло жазоларини берсун, омин!

Энг катта олим, муфти аъенимиздан: “Исломининг бу ҳолатга тушганига сабаб нима?” деб сураб эсак, “Алҳамдулиллоҳ, исломга ҳеч нима бўлган йўқ”, мазмунида жавоб оладурмиз.

Афандилар! Такрор айтарманки, катталардан умид кесмок керак. Бизни ва қора гуруҳ аъомни тараққий қилдирувчи, жаҳл ва асоратдан қутқарувчи мактабдур. Биз туркистонийларнинг гоёт муҳим масаламиз мактаб масаласидур. Мактабларимиз муайян бир йўлга кирса, яъни ислоҳ ва танзим топилса, мунинг орқасидан бошқа миллий, диний ишларимиз ислоҳ йўлига кируб, миллатимизнинг ҳар жиҳатдан тараққий этмоқи ва юзларимизга нажот ва рифоҳият эшикининг узидан ўзи очитуб кетмоғи мумкиндур. Яқин фурсатда “Ойина”хон қариндошларимизга: оз замонда кўп тараққий этган миллатларнинг йўлларида бирисини ёзиб тақдим этарман. Иншооллоҳ таоло!”.

Бухоро: Ниёзий Ражабзода.

“Ойина”, 1914, 38-сон.
906-911-бетлар

КЕНГАШ МАЖЛИСИ ВА ТУРКИСТОН МУСУЛМОНЛАРИ

Петербургда Россия муслмонлари кенгашига. Россия бўйича 35 нафар вакил катнашадиган бўлиб, шундан 10 нафари Туркистондан бориши лозим эди. Муслмон аҳолининг сони шуни тақозо этар эди. Марказдан "2-3 нафар вакил жунатинг" деган телеграмма келди. Рухония идоралари масаласи қўйилиши лозим эди. Уламолар тайёргарлик курмадилар. Натижада, бирор нафар ҳам вакил кенгашга бора олмади. "Кенгаш мажлисидан... махрум бўлдик", деб ёзди "Ойина" журнали.

Ушбу сарлавҳа ила муътабар "Садойи Туркистон" рафкиминиз ёзду: "Петербургда булатурган кенгаш мажлисларининг бири дохилия назоратида 30 апрелдан бери давом этмакдадур. Иккинчиси эса муслмон фракциясининг раиси Тефкелуф жанобларининг гайрат ва ижтиҳодида ҳукуматдан рухсат олинган бўлуб, 10 июндан 25 июнгача давом этмоғи миллий жаридаларимизнинг ҳар бирида эълон этилди. Бу мажлисда Туркистон идораи рухониялари ҳақида ҳам сўз қўзғолмоқи ва Туркистондан ҳам бир неча вакиллар чакирилмоқи ва мунинг учун ҳар ерда машҳарат мажлислари ясаб, қозихоналаримиз ва янгидан очилатургон идораи рухонияларимиз ҳақида бир қарорнома ва лойиҳа ҳозирлаб турмоқнинг зарурати такрор ва такрор ёзилди. Биз уйлаган эдукки, ул мажлисга чакириладургон 35 вакилдан лоақал ун нафари Туркистондан чакирилса керак. Чунки ул мажлисда қараладургон масалаларнинг аҳамияти умумий Россия муслмонлари учун баробар бўлганидан вакилларнинг адади нуфус эътибори ила тақсим қилинса керак эди. Ҳуқуқ шуни тақозо қилур эди. Муслмон фракцияси аъзоларининг виждонларини мундай бир тақсимга мажбур этадургон иккинчи хил сабаблар эса ораларида биргина бўлсун Туркистон вакилининг йуқлиғи, идораи рухониянинг ислоҳига бошқалардан зиёда Туркистон муслмонларининг муҳтожликлари ва Туркистон идораи рухониялари ҳозирда бутунлай бошқа тарзда бўлиб, муни мажлисда тушундурмак учун ўз тарғифларида бир неча вакилларнинг лузуми ва сойиралардур.

магозинларни сохиби ва хожаси яхудийдир. Меҳнат қилувчилар биз мусулмонлардурмиз. Бутун савдо ва тижоратни қўлига олган ҳомийсиз яхудий миллатидур. Яхудийларга ўпка қилмаймиз ва адоватимиз йўқдур. Алар ўз гайрат ва маҳоратлари ила ушбу пояга чикдилар. Ҳар канча нуқсон ва айб эса яна узимизгадур. Савдо ва тижоратда яхудийлар тутган йўлни тутмадук. Яхудийлар билган ишни биз билмадик. Бизлар эса айшу ишрат ила умр ўткардук. Имдод ва мувоқанат қилувчиларга қўл узатмадик. Биз ташаббус қилсак ҳар ишда бизга руслар ёрдам қилурлар. Зотан, руслар ҳам бизнинг бу ҳолимизга таассуф қиладурлар. Биз савдо ва тижоратда ҳам қуруқ сўз ва тасқ ила ўрун тутмаймиз. Яна илмга, мактабга муҳтож бўлурмиз. Бизни тарақкий ва таоло қилдиргувчи ибтидоий мактабдур. Бизга йўл курсатмоқ ва бизни тарақкий қилдурмоқ, уламо ва руҳонийларнинг вазифаси эди. Лекин булар ўз вазифаларини ийфю этмай, бизларни жаҳолатда қолдуруб, ҳароб қилдилар. Худойи таоло жазоларини берсун, омин!

Энг катта олим, муфти аъенимиздан: “Исломининг бу ҳолатга тушганига сабаб нима?” деб сўрар эсак, “Алҳамдулиллоҳ, исломга ҳеч нима бўлган йўқ”, мазмунида жавоб оладурмиз.

Афандилар! Такрор айтарманки, катталардан умид кесмоқ керак. Бизни ва қора гуруҳ аъомни тарақкий қилдирувчи, жаҳл ва асоратдан қутқарувчи мактабдур. Биз туркистонийларнинг гоят муҳим масаламиз мактаб масаласидур. Мактабларимиз муайян бир йўлга кирса, яъни ислох ва танзим топилса, мунинг орқасидан бошқа миллий, диний ишларимиз ислох йўлига кируб, миллатимизнинг ҳар жиҳатдан тарақкий этмоқи ва юзларимизга нажот ва рифоҳият эшикининг узидан ўзи очитуб кетмоғи мумкиндур. Яқин фурсатда “Ойина”хон қариндошларимизга: оз замонда кўп тарақкий этган миллатларнинг йўлларидан бирисини ёзиб тақдим этарман. Иншооллоҳ таоло!”.

Бухоро: Ниёзий Ражабзода.

“Ойина”, 1914, 38-сон.
906-911-бетлар

КЕНГАШ МАЖЛИСИ ВА ТУРКИСТОН МУСУЛМОНЛАРИ

Петербургда Русия мусулмонлари кенгашига. Русия бўйича 35 нафар вакил қатнашадиган бўлиб, шундан 10 нафари Туркистондан бориши лозим эди. Мусулмон аҳолининг сони шунини тақозо этар эди. Марказдан “2-3 нафар вакил жунатинг” деган телеграмма келди. Рухония идоралари масаласи қўйилиши лозим эди. Уламолар тайс-гарлик курмадилар. Натижада, бирор нафар ҳам вакил кенгашга бора олмади. “Кенгаш мажлисидан... маҳрум бўлдик”, деб ёзди “Ойина” журнали.

Ушбу сарлавҳа ила муътабар “Садойи Туркистон” раф-фикимиз ёзду: “Петербургда булатурган кенгаш мажлис-ларининг бири дохилия назоратида 30 апрелдан бери давом этмакдадур. Иккинчиси эса мусулмон фракциясининг раиси Тецкелуф жанобларининг гайрат ва ижтиҳодида ҳукумат-дан рухсат олинган бўлуб, 10 июндан 25 июнгача давом этмоғи миллий жаридатаримизнинг ҳар бирида эълон этилди. Бу мажлисда Туркистон идораи рухониялари ҳақида ҳам сўз қўзғолмоқи ва Туркистондан ҳам бир неча вакиллар чакирилмоқи ва мунинг учун ҳар ерда машарат мажлислари ясаб, қозихоналаримиз ва янгидан очилатургон идораи рухонияларимиз ҳақида бир қарорнома ва лойиҳа ҳозирлаб турмоқнинг зарурати тақрор ва тақрор ёзилди. Биз уйлаган эдукки, ул мажлисга чакириладургон 35 вакилдан лоақал ўн нафари Туркистондан чакирилса керак. Чунки ул мажлисда қараладургон масалаларнинг аҳамияти умумий Русия мусулмонлари учун баробар бўлганидан вакилларнинг адади нуфус эътибори ила тақсим қилинса керак эди. Ҳуқуқ шунини тақозо қилур эди. Мусулмон фракцияси аъзоларининг виж-донларини мундай бир тақсимга мажбур этадургон иккинчи хил сабаблар эса ораларида биргина бўлсун Туркистон вакилининг йуқлиғи, идораи рухониянинг ислоҳига бошқа-лардан зиёда Туркистон мусулмонларининг муҳтожлик-лари ва Туркистон идораи рухониялари ҳозирда бутунлай бошқа тарзда бўлиб, муни мажлисда тушундурмак учун ўз тарқфларида бир неча вакилларнинг лузуми ва сойиралардур.

...Эҳтимолки мусулмон фракцияси қошида туркистон-
лиларнинг даражаси маданияларига назаран ун нафар вакил
ортиқ қурулгандур. Лоақал беш нафар вакил чакирмоқ
лозим эди. Эҳтимолки, даражаси маданиямига назаран
бу ҳам ортукдур. Фақат вакил сайловдан маҳрумлик ила
маъюсланган ва қўнгли жароҳатланган 7 миллионлик етим
диндошларнинг хотирини овламоқ ва булар учун ҳаёт ва
мамонт масаласи қадар муҳим бўлган идораи руҳония масала-
сидаги тилак ва орзуларини ўз оғизларидан эшитмоқ тарақ-
қийпарвар мусулмон фракциясига фойда бермаса ҳам зарар
бермас эди. Хайр бу ҳам бўлмабдур. Фақат 2-3 вакил чакири-
лудур. Муниг учун ҳам мусулмон фракциясига гашиққур
айтмоқ бурчимиздур... Бизнинг таассуф қилатургон урнимиз:
Туркистондан фақат икки-учгина кишига: "Мажлисига иш-
тирок эта олмайсизми? Тезлик ила жавоб берингиз!" деб
телеграмма беруб, булардан рад жавоб олгач, бошқа бир
чорага киришилмаганлигидур... Шундай муҳим масала ҳу-
сусинда олган даъватга ҳар қанча оғир бўлса ҳам ижобат
лозим эди. Ҳеч бўлмаганда бошқа шаҳарлар ила
хабарлашуб, борадургон кишиларни топуб исмларини арз
этмак лозим эди. Бутун Туркистондан мундай диний маж-
лисига иштирок этадургон бир-икки киши албатта топилур
эди. Лекин начора. Нуқсон қою тарафда бўлса бўлсун, бу
кенгаш мажлисида Туркистондан биргина бўлсун вакил
бўлмаслиги кечурулмаслик бир гуноҳ ва унутмаслик бир
айб ва нуқсондур. Муниг жазоси бутун мусулмон
фракциясига оид бўлса ҳам бир чети халқнинг руҳоний
ишларини устларига олиб турган уламоларимизга тушса
керак. Чунки, бир неча вақтдан бери жаридаларда езилиб
келган шундай муҳим масалага бироз аҳамият бериб,
аввалроқдан ҳозирлануб мусулмон фракцияси ила
хабарлашмоқ шуларнинг вазифалари эди.

Ўзларини дин бошлиғи санаб, халқнинг ошини еб,
тунини кийиб юрган зотлар шундай муҳим диний масала-
ларда халқнинг қунига ярамасалар қачон ярар эканлар?
"Ойина": Биз туркистонийлар илмсизликдан Дума вакил-
лигидан маҳрум қилинган эдук. Бутун эса "Кенгаш маж-
лиси"дан ҳам маънат-таассуф маҳрум бўлдук.

"Ойина", 1914, 35-сон,
840-842-бетлар.

ҲАР МИЛЛАТ ЎЗ ТИЛИ ИЛА ФАҲР ЭТАР

Садриддин Айний ўз мақоласида тилга ҳурмат, унга европача сўзларни, уларнинг туркий тилда маънодоши бўлса ҳам қўшиб ишлатиш тилимизга путур стказишини қўнчаклик билан ёзади.

Замонамиздаги энг муҳим масалалардан бири-да тил масаласидур. Ҳушёр миллатлар мунинг аҳамиятини барча масалалардан ортиқ санайдурлар. Чунончи, тилларини кундан-кун софландуруб, тиллари ичига кирган бегона сўзларни ташқари отиб, ислоҳ қилурлар. Бир даражагача тилларидан хабардорлик қиладурларким, ўрни келганда бир ажнабий сўзи ўрнига икки ё уч калима ўз сўзларидан қўшиб адо қиладурлар. Мана шул сабабдан адабиёт ва миллиятлари кундан-кун тараққий қилиб бормоқдалар. Дарвоқе, қайси бир миллатким ўз тилини бегона лугатлардан озод сақласа ва ўз миллатини муҳофаза қилса, дин ва ойинини қўлдан бермайдур. Аммо биз туркистонликлар эса гафлат ва жаҳолатимизнинг қўплиги сабабли, бу муҳим масаладан ҳам бехабармиз. Ўз тилимизда туркийча ва арабча сўзлар бор бўлган суратда яна хавасаки рус ё фаранги сўзларини ўртага сукиб истеймол қилармиз. Икки туркистонлик турк бир-бирови ила сўзлашганда хавасаки рус лугатларини ўртага келтуруб сўқмоқлиги айни ҳамоқат бўлса керак. Бошқа ҳушёр ва тарбиятлик миллатлар бул ишни ор ва катта айб санайдурлар. Бошқа ерлини нари қўйдук, ушбу Туркистонимизда қайси бир рус, ё қайси бир армани ўз тилини қўйиб, бир-бирови ила туркча сўйлайдур. Аммо бизнинг сўйлаганимиз вақтида ҳеч бир бўлмаса ҳар бир жумлада бир калима рус сўзи эшитилур. Масалан: Манго бироз помогат қилинг. Они мунча иштраф қилдилар. Фалон одамнинг дукони печат қилинди. Бехмадончанинг боғига орест солдилар. Ман қарзимни софсем тамом қилдим. Бул жой қўп чиста экан. Юринг гулат қиламиз. Фалонча персийёни ёки сарт? Ваҳоланки, бул сўзларнинг ҳаммаси мусулмонча адо бўлина олур. Масалан? Помогат - ердам, иштраф -

жарима, печат - мухр, орест - хибс, оюк, софсем - тамом, бутун, чиста - тоза, персийн - эрони, сарт - туркистоний ёки узбек. Муни ҳам айтмай қўймаймиз ким, буларни ёзмок ила мақсадимиз русча укимаслик ёки урганмаслик эмасдур. Хошокалло, ҳеч бир оқил ва ҳушлик киши русча укиб сўйлашмоқликнинг лузуми йукдур, деб айтолмас. Лекин уз тилингни қўйиб уз ҳамзабон, ҳамдининг ила русча, фарангча ва гайра сўйлашсанг айбдур, ордур. Бошқа суз ила гошликдур, деб айтаолур. Агар тил ва адабиётимизни муҳофаза қилмай, анга ажнабий лутат ва сузларни қўшаберсак бироз замонда тил ва миллиятимизни йуқолурмиз. Миллиятимизни йуқотганда диёнатимиз уз-узила албатта йуқолур. Бас, бизга тилимизни ажнабий сузлардан муҳофаза қилмоқлик энг биринчи муҳим бир вазифадур.

С.Айний

“Ойина”, 1914, 35-сон,
836-838-бетлар.

ЎЗ БАЙРАМЛАРИМИЗНИ ЭХТИРОМ ЭТМОҚ КЕРАК

Мақолада рамазон, қурбон ва мавлуд каби байрамларни бекор ўтказмасдан, шу кунларда миллий ва диний масъулатларни ҳал қилмоқ жойизлиги уқтирилади. Янги мақаблар, миллий тилда икки-уч тахта чиқа бошладилар. Улар ҳисобиде миллий ва диний ишларимизни ислоҳ қилиш лозимлиги таъкидланади.

Ер юзидаги ҳар миллат, ҳусусан, ҳиссиети диния ва миллияси ила мутахассис бўлган мутамаддун миллатлар ушларининг муқаддас диний ва миллий байрамларини ҳурмат қилуб, байрам кунларида одатий касбу корларини талтил этарлар. Ва ўз динларинча муқаддас саналган байрам кунларини қариндош ва ёру дўстларининг ҳолидан хабар олмоқ, халқ фойдасини назар этиборга олиб, мажлислар ясаб, миллий ва диний маслаҳатлар ила утқарурлар. Улар уз манфаати шахсиялари учун касби мол ва таҳсили сарват йулида нақадар ижтиҳод этсалар, замоне келганда нафъи халқ ва таъминини истикбол йулида ҳам гайрат ва сарфи мол этмакдан тортинмайлар. Ҳатто вақти келганда ватан ва миллат йулига жон фидо қилмоқни ўзларига шараф ва саодат билурлар. Хулоса: ўзга миллатлар таҳсили маориф ва сарватни нақадар сеҳсалар, дин ва миллат байрамларини ҳам шул нисбатда яхши қуруб, оқча учун байрам ва миллий ишлардан воз кечмайдилар. Энди ўзимизга келсак: ҳафталиқ жумъа байрамимиз нари турсун йилда бир маротабадан келатургон ийди рамазон ва қурбон ва мавлуд кунларида ҳам касбу коримиздан қўл тортмаймиз. Баъзан қўл тортганда ҳам шундай муқаддас кунларни, кадру хикматини билмай, самовархоналарда чойхурлик, базм мажлисини қуруб, жувон уйнатмоқ ва майхоналарда юруб ичгулик, фахш ва фасод ила утқарурмиз.

Бубин тафавути раҳ, аз қужоқ тоба қужо.

(Мазмуни: Йулнинг фарқиға боргин: қасрдан қасрга боради.)

Бу нимадандур? Аҳқому фалсафиёти диниямиздан ҳаққинча хабардор булмаганимиздан. Мухтарам дин бош-

ликларимизнинг уз вазойифи динияларини эҳмол қилиб, хар ишни тақдирга ҳавола қилганларидан туғриси жаҳолатни ҳукмфармоликидандур, десак фикримизга асосбат қилган бўлурмиз. Хар ҳолда биз истиқболимиздан навмед эмасмиз. Чунки бу сунг кунларда бизнинг Туркистонда ҳам бироз интибоҳ асари қуруна бошлади. Онинг натижаси ўлароқ бир ёқдан неча адад мактаб вужудга келди. Иккинчи тарафдин ўз шевамизда икки-уч миллий жаридатар чиғабошлаб бакадрал ҳол ўз вазифаларини адо этмакдурлар. Агар ушбу ҳол ила даюм қилаверсак, яъни Туркистон ёшлари мактаби ибтидоиянинг қупаймоғига ҳаракат қилуб, жаридат воситаси ила миллий, диний ишларимизнинг ислох йулини курсатаверсалар, оз замонда Туркистонимиз ҳам маданиятли мамлакатлар қаторига кируб, ҳаёт ва мамот масаласидан иборат бўлган ҳуқуқи мадания ва миллия каби шайлардан хабардор булуб кетишимиз шубҳасиздир. Юқоридаги сўзлардан маълум бўлурки, диний ва миллий байрамларнинг кадрили билмак учун илм керакдур. Илм-сиз миллат на дин, на байрам каби муқаддас шайларнинг ҳақиқат ва ҳикматларини танимас экан, бас биз Туркистон мусулмонларига уз динимизни тамоман билмоқ ва миллиятимизни лозиминча муҳофаза қилмоқ учун ўзга миллатлар каби таҳсили улум ва фунун йулига ижтиҳод ва ғайрат, сабот ва истиқомат қилмоқ лозимдур.

Хар оқил ўлур гарчи ризододаи тақдир
Лскин яна тадбир оромак бошка закодур.
Ғайратдур эдан одами хар мақсада нойил
Танбалликка майл этмаки анжоми фанодур.

“Ойина”, 1914, 35-сон,
826-827-бетлар.

БУХОРО ТЕМИРЙУЛИ

Мақола Бухоро амирлиги ҳудудидан утадиган темир йул қурилиши ҳақида. Лойиха муҳандиси Коваленский маслаҳати билан аҳолидан 15 минг нафар хизматкор оинга 22 сўм маош билан ишга олинган. Минг нафар рус хизматчиси белгиланган. Станция таъмири учун Бухоро амири 27000 сўм маблаг ажратгани хабар қилинади.

Йуллар вазоратига такдим қилинган Бухоро темир-йуlining лойихаси мазкур вазорат тарафидан имзолашибдур. Ҳозирда ушбу лойиха молия вазирига ва давлат муфаттиши назоратига тасдиқ қилмоқ учун топширилибдур. 30 апрелда муҳандис Коваленский мазкур йулнинг солинадургон жойига келиб темир йулларига лозим буладургон асбобларни тафтиш қилмоқдадур. Темирйул хизматлари учун бухороликлардан 15 минг нафар хизматкор ойига 22 сўм вазифа ила олинибдур. Мундан бошқа 1000 нафар рус хизматкорлардан ҳам олинур экан. Ва ҳам йул оғтумубиллари ва йулчи арбоблари келтирилубдур. Ушбу йул учун жаноби олий Бухоро амири ҳадя қилинган саройи муваккиф - истанса қилинадур. Ушбунини таъмири учун 27000 сўм оқча тайин қилинибдур. Ҳозирда хизматкорлар Калифда - тунел қовламоқ ила, яъни тоғ кесмоқ ила машғулдурлар.

“Ойина”, 1914, 31-сон,
45-бет.

БЕХБУДИЯ КУТУБХОНАСИ

Мақолада Маҳмудхўжа Бехбудий ҳовлисида кутубхона очилиши муносабати билан унда Русия ва хорижда нашр этилган китоблар арзон нархда сотилажаклиги ва аҳолидан турли китоблар комиссияга қабул қилиниши ҳақида хабар қилинади.

Доҳилия ва хорижидаги мухтарам ноширларга ушбу ила эълон ўлинурки, “Бехбудия кутубхонаси” исминда бир маҳзани кутуб очмоқга ҳукуматдан руҳсат олинди. Кутубхонада Русияда ва хорижда таъъ булуб, сензурадан утган ҳар навъ қадим ва жадид арабий, фўрсий, туркий ва фаранги китоблар, илмий ва фанний ҳарита ва асбоблар куллият ила олиниб арзон баҳо ила доналаб ва куплаб сотилур. Бехбудия кутубхонаси шаҳри Самарқанд, Русия қитъасиндаки ҳафталик “Ойина” мажалласи идорасинда “Ойина” ношир ва муҳаррири ва Бехбудия кутубхонасининг соҳиби Маҳмудхўжа Бехбудийнинг ўз хонасида очилур.

Мухтарам ноширлардан ва асар эгаларидан рижо ўлинурки, асомиал-кутублари ила энг охирги шартларини ёъсалар. Барча муомалот сидку номус доирасинда ижро ўлинур. Ҳар навъ китоблар комиссияга ҳам қабул қилинур. Кутубхонада ҳар навъ ва рангда китоб, жарида, ва китобат учун куллият ила қоғазларда бутундан бошлаб мавжуддир. Унвон: Самарқанд, Решетников жаддаси, ўз хонасинда Маҳмудхўжа Бехбудий. Телефуни 290.


Хуканднинг тарақкийпарвар тужорларидан Обиджонбой Абдуҳолик ўгли Маҳмудуф тарафидан бир боб ҳуруфот матбааси очилди. Хукандда шул вақтгача мусулмон матбааси йўқ эди. Бул жанобнинг ҳимматлари ила мусулмон матбаасига нойил бўлинди. Бул ҳиммати миллиясида дулоий Обиджон афандига изҳори ташаккур этиб, худойи таолодан музаффақият тилаймиз!

“Ойина”, 1914, 27-сон,
522-бет.

ЎҚУВЧИЛАРГА ЁРДАМ КЕРАК

Махмудхужа Бехбудийнинг ушбу мақоласида элу юрт учун маҳаллий халқдан етишиб чиққан шифокор, муҳандис, ҳуқуқшунос, бизнесмен, судя, банк соҳиблари лозимлиги, ёшларнинг замонавий билим олишлари учун "Ўқувчиларга ёрдам жамияти" тузиб, унинг маблағи ҳисобиға уларни хорижий мамлакатларға ўқишға юбормок зарурлиги таъкидланади.

Ҳозирги замон аҳволиға ошно кишиларға ва бошиға иш тушганларға, барча тожир ва мансабдорларға албатта маълумдурки, бизға мувофиқи замона одамлар керак. Яъни мусулмон дўктур, мусулмон муҳандис (инженер, плончи), мусулмон закунчи, тижоратхоналарда мусулмон агент, ишбошилар, подшоҳлик маҳкамаларида мусулмон судьялари, нотариус (муковилот муҳаррирлари), банкларда мусулмон саркорлари ва... керакдур. Агарда биздан мазкур тарикда одамлар етишса, тижорат ва маишат ишларида аларни бизға нафъи тегиб, яна бизни ҳукуматға яқинроқ этарлар ва ҳозирги замонанинг илм, ҳунар ва маданиятини бизларни орамизға нашр этарлар. Хулоса тараккий ва рифоҳимияа боис булурлар. Биз хоҳласакки, узимизни бошқаларнинг маданий ва иқтисодий ютулишидан саҳланилса, юқоридаги айтилган кишиларни ҳозирлаб, яъни олими замоний тайёрламокимиз керакдур. Дигар тарафдан замонадан хабардор олими диний етиштурмок учун-да сазъи ва гайрат етиш-да лозимдур. Мактаб ва мадрасаларнинг усули таълимини ислоҳ қилмок кераклиги кузи очик кишиларға маълумдур. Аммо бу ислохотни ким ижро этар? Русча ўқимок лозим. Ким ўқитар? Замонча илми диний ва замоний керак. Они ўзи булурми? Мана бу суолларға жануб лозим, ҳеч нимарса керак йук. Ота-бободан қолган нимарсадан бошқа ҳар шайи бидъат ва залолат деганларни уз ҳолиға қуймок керак. Чунки алар ўйламасдан ва баъзилари муҳокама ва мулоҳазасиз сўйлайдур. Шариатға ҳар бир нафълик илми ўқумок қарз ва лозимдур. Чунончи, ҳарати пайғамбаримиз с.а. дейдиларки, "Илм иккидур.



Бири илми бадан, иккинчи илми дин". Албатта бадан со булмаса, дин иши маътал қолур. Яна дейдилар-ки, "Хуқуқ-молар ила аралаш булингиз!" Бас, бу ҳадислардан маълум булурки, биз мусулмонларга илми тиб ва илми ҳикмат ўқумоқ керак. Илми ҳирифт ва синоат ҳам фарздур. Қасб фарздур. Ҳар бир фарзнинг илмини билмоқ яна фарздур. Ва бул фарзларга ҳеч ким мункир булолмайду. Илми дунё доим саъй ва тажриба ила тараққий этар. Масалан, беш юз сана муқаддамки, илми тиб ва ҳикмат ила ҳозирги орасида ниҳоят катта фарқ бор. Асбобу даволар тараққий этган, ва аммо илми тибни маҳзуки қасални даволамоқду, тағйир топгани йўқ. Аввалги мусулмонлар тибни юнаний китобларидан ўқиб амалга киргузар эканлар. Энди русча ва фарангчадан ўқиб амалга олинса на боис бордин? Бир қарра ўқиб билдими? Ўзиники бўлди кетти. Зотан илм муштаракду. Билганникиду. "Илм Хитойда булса-да талаб қилинг"ни маъносида илми замонийду. Ва илло, илми диннинг асли Қуръон ва ҳадис экан - Хитой мажусиларига на иш бор эди. Албатта, ҳазрати пайгамбаримизни мурадлари илми замоний эди. Олайлик "бидъат"ни замони ҳазрати пайгамбаримизга, йўқ ҳар бир нимарса бидъатду, янгидур. Бидъатни уламо икки қисмга ойиргандурлар. Халқга нафъ келтуратургон нимарсани яхши бидъат (бидъати ҳасана) дерлар. Масалан, мадраса, мактаб, минора, дорул-ожизин ва шифохоналар бино қилмоқ, китоблар ёзмоқ бидъати ҳасанаду. Замони ҳазрати пайгамбарда мадраса, минора, бу қунги китоблар, вақф, муаххазлар йўқ эди. Дигари ямон бидъат (бидъати саййиъа) ки, динга зарар келур. Баъзи уламо дерларки, гуноҳи бидъат шудурки, замони пайгамбардаги диний ақида ва амалга бир нимарса ортдурулса: ҳулоса бидъатни меъёри шулки, замони ҳазратга булмай, сўнгра пайдо булган нимарсалар агарда миллатга нафъ еткурса ва асли динга муҳолиф булмаса, дуруст ва илло гуноҳду. Бас энди қараймиз, ки замона илму асбобларидан қайсики бизга нафъ келтураду, албатта анга майл этармиз ва агарда асли динга муҳолиф булмаса, масалан, илми тиб динга зарар етмайду, албатта ўқурмиз. Илми ҳикмат, илми тижорат, инженерлик. Илми зироат, маъданиёт, илми синоат ва бошқалар, ҳоказо... Бу нафълик

илмларни ўқумоғи бидъат деган кишини сўзи: “Мадинаи мунавварага оташ аробага ўлтуруб бормоқ бидъат” деган кабилур. Холбуки юқоридаги илмларни минг сана мукаддамки, мусулмонлар юноний ва финикалийлардан олиб таржима ва такмил этиб, беш-олти юз сана ишлаб тираккий этдурдилар ва мусулмонларни таназзули ила дунявий илмлар фарангларга утиб, бу кунги даражага етди. Манжуд ишлар ҳеч кимга махсус эмас ва балки саъй эткувчиларни моли муштиракидур. Чунончи, билатургон кишилар учун бу дунёга куп аломатлар бор, мазмунинда бир ояти шариф Қуръонда бордур. Бас энди уйламасдан нафълик илму ишни бидъат деб қочмоқга ва бечора халойиқни тарақкий ва илм йулидан қайтармоқга на маъно бордур? Матлабимиз замоний илмларни ўқуйдургонларга ёрдам этмоқ эди. Лекин на чораки, ҳар бир ишни мукаддимасиз сўйлаёлмаймиз. Чунки ҳар шайдан аввал олдимизга бидъат деган сўз келар турар. Матлабни хулоса қилайлуқ. Юқоридаги илмларни ўқумоқ оқча ила бўлур. Оқчалик оталар ҳеч қизғонмасдан болаларини ҳукумат мактабларига бериб ўқитмоқлари лозим. Жамъияти хайриялар барпо этиб, оқча жамлаб фақир болаларинида жамъият оқчаси ила ўқитмоқ керак. Замоний одамлар стуштурмоқ учун ҳукумат мактабларига, мактабларни ислохи учун Ўрунбург, Қазон, Кирм, Кафказ ва Истанбул мактабларига, мадрасаларни ислохи учун Макка, Мадина ва Мисрга талаба юбормоқ керакдур. Ва ҳар бир шогирд учун ҳар сана 300 сумдан 400 сумгача оқча лозим. Бу шогирдларнинг муддати таҳсили 4 йилдан 12 йилгача бўлур. Бу кундан ҳаракат қилинса тўрт-беш йилдан сунгра натижаси маълум бўлур. “Ўқувчиларга ёрдам жамъияти”ни очмоқ ёшларнинг ҳиммат ва ҳамиятига мавқуфдир. Ҳукумат ҳам бу ишга яхши куз ила қорайдур. Ёшлардан ҳиммат ва гайрат, бойлардан шафқат ва марҳамат керак.

Махмудхужа

“Ойина”, 1914, 31-сон.

601-604-бетлар.

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИНИНГ НУФУСИ ХУКУМАТНИНГ САНАИ ХОЛИЯДАГИ
ХИСОБИ БЎЙУНЧА

Шаҳарлар	Нуфус	Муслмон мактаби	Муслмон мадрасаси	Мус. ва рус. мактаби	Русий мактаби	Муслмон талабалари	Рус талабалари
Самарқанд	94846	92	19	2	15	2443	2108
Хўжад	40235	30	40	1	1	-	53
Уратеп	22704	42	5	1	1	1304	13
Жиззах	13384	20	3	1	1	897	36
Каттақўрғон	11551	34	2	1	1	830	116
Панжакент	5105	8	3	1	-	418	
Жами шаҳар	187825	226	72	7	19	5892	2326
Уёшлар							
Самарқанд	276192	825	4	2	-	6955	
Жиззах	242256	319	1	2	1	3037	39
Хўжад	166095	175	16	-	11	1148	767
Каттақўрғон	117025	497	1	1	1	2664	80
Жами уездларда	801568	1816	22	5	4	13804	886
Самарқанд вилоятида жами	989393	2042	94	13	23	19696	3212

Жадвалда ҳукуматнинг статистика маълумотлари асосида Самарқанд вилояти (Самарқанд, Хўжанд, Уратепа, Жиззах, Каттакўрғон, Панжакент шаҳарлари, Жиззах, Хўжанд, Каттакўрғон уезд(синжок)лари билан) аҳолиси, мадраса, мактаб ва талабалар сони келтирилади. Ҳисоблаб чиқилса, маҳаллий аҳолининг ҳар юзидан уч нафари, русларнинг ҳар юзидан 16 нафари ўқир экан.

Юқоридаги жадвал ва бошқа ҳисобдан маълум бўлурки, Самарқанд аёлотидаги мусулмонларнинг ҳар юзидан уч нафари ва русларни ҳар юзидан 16 нафари ўқур экан ва мундан биз мусулмонларни ўқимаганлигимиз билиниб ва ҳазрати Пайгамбаримизнинг “Илм Хитойда бўлса-да талаб қилингиз”, “Талаби илм ҳар мусулмон эр ва хотунга фарзлур”, “Илмни бешикдан қабргача талаб қилингиз” деган амри шарифлариға буйин қўймаганимиз минъум бўлур. Ва бул ўзғмасликнинг охири дунё ва охираатда раъволик бўлур.

“Ойина”, 1914, 27-сон,
513-бет.

Мақолада комил инсонни тарбиялаш воситалари ва инсонга комил бўлмоқ учун етти нарса: илм, номус, виждон, саъй, адаб, гайрат, тарбият, лозимлиги таъкидланади.

Адаб инсониятда кийматлик кайфият эканлиги уламнинг иттифоқлари ила собитдур. Хусусан шариат уламси адаб ва тарбияни ахли иймон учун лозим ва матлум билганлар. Чунончи, Ибн Масъуд радиаллоху анху хазратларидан иймоннинг кайфиятидан суол қилганда: “Иймоннинг ҳақиқати вожиби таолони бир ва пайгамбаримиз а.с.в. ни ҳақ билиб, адаб ва тарбиялик бўлмоқдур”, деб жавоб берганлар. Адаб ва тарбиятнинг сабабини сўраганда: “Адаб иймонининг қалъаси мақоминдадур”, деб буюрибдурлар. Дарҳақиқат иймон узи хорижда, вужуди бўлган жисмлардан бўлмагани учун, анинг қалъаси адаб ва тарбиядур, деб тавсиф қилмоқ бажодур. Ибн Масъуддан яна суол қилдиларким: “Иймоннинг ҳақиқати нимадур? Бир одамнинг иймонининг қави ва заъифлиги нимадан маълум бўлур?” Ибн Масъуд жавоб бердилар: “Ҳар кишининг иймони илми қадар, ҳар кишининг илми саъйи қадар, ҳар кишининг саъйи номуси қадар, ҳар кишининг номуси виждони қадар ва ҳар кишининг виждони ҳам анинг адаб ва тарбияси қадардир!”. Бас, маълум бўлурким, иймон ва исломга ушбу етти нимарса ила қамол ҳосил бўлур экан! Дарҳақиқат саъй ва гайрат бўлмаган одамда номус ва виждон йуқлиги, номус, виждон бўлмаган кишида ҳам адаб, тарбият ва илм топилмаслиги ақаллан собитдур. Бас, илм, саъй ва гайратнинг самараси, иймон ҳам адаб ва тарбиятнинг ҳосилидур. Нечукким бир инсонга комил бўлмоқ учун олти нарса зарурдур. Шундоқ бир мусулмони комил бўлмоқ учун ушбу етти нарса лозимдур. Аларнинг муқаддимаси мактабларда ҳосил бўлур. Яъни юқорида баён қилинган илм, номус, виждон, саъй, гайрат, тарбият ушбу муборақ маҳалда алқо ва таълим ўлинур. Лекин мактаб бир ернинг оти бўлур, юқорида зикр бўлган етти нарсанинг ҳеч бири бул ернинг сифатидан бўла олмас. Балки бу жумлатарла мактабни зикр қилиб муаллимни мурод қилурмиз. Бас

ҳар бир муаллим мазкур етти нимарса ила мавсуф килардан бўлмоқи лозим булса керак. Ори, муаллим бўлган кут ҳам илм, иймон, виждон, саъй, гайрат, адаб, тарбият ва номусдан. Иймон ҳосиятларидан бошқа илм, хилм, таҳаммул ва ҳусни хулқдек ислом сифатлари ила мумтоз бўлмаси - ул муаллимдан шогирдлар баҳра қилмайдулар. Чунки муаллим атқоли башар учун модари адаб мақомидадур. Бул тақдирда ота, она ва муаллим ҳар қандок сифат ила мавсуф булсалар, шогирд ва аялуд ҳам ул сифат ила мавсуф булур. Чунончи, ҳазрати пайгамбаримиз буюрубдурлар: “Маъмани маълуд ул-афқад йўлад ало фитрал-ислом сам абу юмжасона ва яҳудона ва ин-сарона”. Мана матлаб, бағишлайтурган бир самара ушбу мазмундан иборат бўлур. Чунки тажриба ила бу йўлда бизга яқин ҳосил бўлгандур. Ихтиёр қилган узун таъххатимизда олдимизга чиқган ажойиботларнинг энг таъххатлиси Туркистонни қоплаб олган жаҳолатнинг қуп ва қатталиги эди. Биз ҳам жаҳолат ила қопланган аҳволи Туркистоннинг ажзосидан бир жуъ бўлганимиз учун ушбу жаҳолат ила мубораза қилмоқни ўзимизга фарз билиб, Андижон, Ўшдек ерларда бақадри қувват ҳаракатга бошлаган эдик. Андижонда “ман талаби жиддан фақад кечада” қавли шарифининг нафъ берганини қуриб, кирғиз қариндошларимизнинг марказида бўлган Ўш қасабасига бориб чора изламоқга бошлатук. Бир-икки мартаба бориб, гуша-багуша кезган бўлсам-да ерлилардан таниш одамларим йуқлиги учун ҳеч бир иш қилмай маъжос қайтмоқга мажбур бўлдим. Охирда Ўш шаҳрида машҳур одамларни сураб, ул зотлар ила ошна бўлмоқга қарор бердим. Ўтган йил ражаб ойинда Ўш қасабасининг умумий бозор қуни анда бориб бозор ишлари ила машғул бўлиб, иккинчи қуни Ўш атрофидан мирзо Фозилни хонасига бордим. Мирзо Фозилбек жаҳонгашта ва тажрибадида бир зоти олиқадр бўлганлари учун бошқалардек бизнинг зохирий қиёфамизга қараб рад этмадилар, балки ҳусни қабул этиб, меҳмонхоналарига зиёфат қилдилар. Мирзо Фозилбекнинг атиюру гуфторларига диққат қилиб, сўзга бошладим. Мирзо Фозилбек ҳам ўз ҳолларига қура улуму фунунга ошно бўлганлари учун бизга муносиб жавоблар бериб, икноъ қилмоқга бошладилар. Муни қуриб сўзимиз-

нинг маржаъи аслий бўлган мактаб масаласига узатиб суоал килдим: “Жаноби Мирзо Фозилбек банда зоти валонинг вазъини эшитиб зиёратга келдим. Хар жихатдан мамнун ва хурсанд бўлдум. Лекин бир ваххдан таассуф килтурман-ким, жанобингиздек зоти мунда бўлиб туриб, бул бечора аҳолига рахбарлик килмай ва аларни маориф йўлига саяхат этмайсиз...” Жаноблари бизга жавоб мақомида бир неча вақт мундан илгари мактаб бино килмок учун ҳаракатда бўлганларини ва исбот мақомида мактаб очмок учун волий ва муфаттишдан олган ижозатномаларини курсатиб камолтирмас ила изҳор килдиларким, жамоат бул ишга эътино килмай беҳаракат қолгани учун мактаб бош тутмай қолди.

Мухаммад Саъид
“Ойина”, 1914, 27-сон,
509-512-бетлар.

ЯНГИ МАКТАБ

Самарқанд уезди Азиза мавзесида Абди мингбоши ва Саидрахмад хожа Сиддикий томонидан янги мактаб очилгани ва банклар унга 183 сум маблағ ажратгани ҳақида.

Самарқанд уезд (синжок) ининг Паҳлавонариг ноҳиясининг волостнойи жаноби Абди мингбоши ва Сайидрахмад хожа Сиддикийнинг саъйи ва гайрати ила Азиза мавзесинда бир янги мактаб очилиб, биринчи дафъа 24 нафар талаба қайд бўлубдур. Мактаб кераклиги учун ноҳиянинг майда банклари 183 сум оқча ҳадя қилибдурларки, бу Самарқанд атрофидаги кишлокларга биринчи дафъа бўлуб ва ушбуга саъй ва иштирок қилганларга ташаккур қилинур.

“Ойина”, 1914, 31-сон,
60-бет

ТАРИХ ВА ЖУГРОФИЯ

Махмудхўжа Бехбудийнинг ушбу мақоласида тарих ва география фанларининг ўрганишнинг аҳамияти ҳақида сўз боради.

Қуръони каримда тарихий хабарлар ва ўтган қиссалар тўғрисида кўп ояти шариф бордур. Бир хили оятларда Аллоҳи таоло тарафидан анбиёъи изом алайҳимус-саломнинг қиссаи аҳволи тарихия ва воқеайи кавмиялари баён бўлуб, яна машҳур кавму халқ ва ҳатто машҳур одамларнинг қиссаи аҳволи тарихия ва воқеалари баён бўлгандур. Чунончи, ҳазрати Одам, Нух, Довуд, Юнус, Иброҳим, Юсуф, Мусо, Исо, Шуъайб а.с. ва бошқа пайгамбарларнинг воқеалари ва умматларининг ходисалари баён бўлгандур. Инчунин Зулқарнайн, Лукмон, Фиръавндек махсус кишиларни ва ёнги Асҳоби Каҳф ва кавми табба ва бошқалардек фирқа ва ё қабилаларнинг аҳволи Қуръони каримда батафсил ва ёнги ижмолан баён бўлгандур. Тангри таборак ва таоло ҳазратлари тарафидан баён бўлган бу қиссалар илми тарихини, асл ва асосини ташкил берадур, ва ҳам биз мусулмонларни, ўтган тарих ва қиссаларни ўқиб ибратланмоқимизга буюрадур.

Шоир декор:

Ояти Қуръон, ки хубу дилкаш аст,
Шеш ҳазору шешсоду шасту шешаст.
Як ҳазораш ваъдаву дигар ваъид,
Як ҳазор аз амру як наҳйи шадид.
Як ҳазори вай мисолу эътибор.
Як ҳазор аз қиссаҳои бешумор.
Понсад аз баҳси ҳалол асту ҳаром,
Сад азон тасбеҳу вирди субҳу шом.
Шасту шеш з-он гашт мансухул-китоб,
Хатм шуд валлоҳу аълам биссаъоб.

(Мазмуни: Қуръон оятлари яхши ва кўнгул истағувчи бўлуб, олти минг олти юз олтимиш олти оятдур. Шу оятлардан бир минг ваъда, бир минги ваъид, бир минги амру фармойиш, бир минги наҳи ва саҳланмок, бир минги

мисолу ибрат ва зарбулмасал, бир минги ҳадсиз киесалари баён этар. Беш юзи ҳаром ва ҳалолни баён этар. Бир юз вижди зикрга тааллуқлидур. Олтмиш олтиси китоб ва динларни мансух этгувчи оятлардан иборатдур).

Ўткан уламолар раҳматуллоҳ муфассир, муҳадди, муҷтаҳид ва мусанниф бўлатургон кишига бир неча шартлар қўюбдурлар, ки аларнинг бири илми тарихни билмоқдур. Асбоби нузули Қуръон, ваҳий ва судури суннати билмоқ, тарих билмоқга мавқуфдур. Ўтган уламо (салафи солиҳин) мизни асарларига қаролса илми тарих ўқумокни лозиму фарзиди билинур. Илми тарихни баён этгувчи би муаррих деюрки, Қуръони каримнинг қарийб гуртдан бири тарих ва ахборни муҳтавидур. Дунёга яшамок учун диroyатлик бўлмоқ учун, комил ва одил бўлмоқ учун тарих ўқумок ва билмоқ керак. Подшоҳ, вазир, ҳукумат одамлари ва сиёсий кишилар учун тарих ўқумок керак. Дини исломнинг асли ҳазрати пайгамбар ва саҳобаларнинг исломият ва уммат учун чеккан жафю ва меҳнатларини билмоқ учун тарих ўқумок керак. Паст қолган ва ё тараққий қилган халқларни, жаҳонгир бўлган давлат ё нопадид бўлган ҳукуматларни билмоқ учун тарих ўқумок керак. Ўтган пайгамбарлар, дин ва умматларнинг аҳволидан мансух ва мункариз бўлганининг сабабидан беҳабар бўлмоқ учун тарих ўқумок керак. Мусулмонлик қандай қўпайди ва тараққий этди, ва ал-он на учун мусулмонлар мутанаазил этдилар. Ва иложи худдори ва тараққий надур? Муни билмоқ учун тарих ўқумок керак. Хулоса, дин ва дунёдан беҳабаф бўлмоқни хоҳлайдургон ҳар ким учун тарих ўқумок керак. Чунки ҳар нимарса ва ишнинг асли ва фасли тарихдан билинур. Катта киши бўлмоқ учун тарих билмоқ лозимдур.

Усули жадида исмлик мактабларда "Тарихи ислом", "Тарихи анбиё" исминда рисоалар таълим берилур, ки болаларни дини мубини ислом ва анбиёи изомнинг яхши билишларига боис бўлур. Аммо, маъят-таассуф, баъзи ўйламай сўйлагувчилар, тарих ва жүғрофия ўқумокни битъат ва гуноҳ, деб бечора авомни оздурадурлар. Бизни Туркистонда баъзи энг муҳтарам муборақ кишилар тарихдан билкулли беҳабардурлар. Ҳатто беҳабарликларидан хабар сиздурлар, ки бу беҳабарликларидан баъзан уятга қолиб,

хатто иш шармандачиликга етар. Ҳануз ёдимдур. Ахли мажлис ва сурагувчи муҳтарам киши ҳаётдур. Олти-етти сана муқаддам Самарқандда бир хатми Қуръон мажлисинда эдик. Энг машҳур ва олим бир эшоннинг муридларидан ва ўз фикринча олим бир киши 200 хонадонлик катта бир маҳалланинг имоми, мажлисда роқими ҳуруфдан қурингиз на сўрайдур?... Тафсирилар замони пайгамбарда бор эдими? Ушбу суол катта бир имом ва ҳам ўз даъвосинча бир муллодан ва катта муришидан руҳсат олган бир орифдан содир бўлгани учун жанобининг бу қадар беҳабарлиги мани асабларимга таъсир этиб эди. Ва анинг бу қадар беҳабарлиги хайратларга қолдурган эди. Мана бул тарихни ўқимасликни гуноҳидур. Тафсирилар замони ҳазрати пайгамбардан бир неча юз сана сўнгра ёзилди. Қуръони карим аввалдан бор эди. Ва бу кунда ҳам Қуръони каримни тафсир қилатургон бордур. Ва янги таснифларда чиқиб турбдур. Тафсирилар замонача тафсир топилур. Аммо Қуръони карим ҳеч тафсиру табдил топилмас... дейилиб эди.

Маҳмудхужа
"Ойина", 1914, 27-сон,
502-505-бетлар.

ДИЗАХДА МАКТАБ

Жиззахда биринчи булиб савдогар Аҳмаджон Носирбой угли томонидан усули савтия мактаби қурила бошлагани хақида.

Дизах шаҳридан ёзадурларки: “Ушбу кунгача Дизах шаҳринда мактаби савтия йуқ эди. Холбуки, аксар шаҳарларнинг кишлокларигача бу нафълик мактаб ёйилгандур. Аммо бу охир вақтларда Дизахнинг муътабар савдогарларидан мулло Аҳмаджон Носирбой угли жаноблари мактаб бино қилмоқга ният этиб фотиҳа олдилар. “Ойина” идораси янги мактаб илан дизахлик биродарларни табрик этиб, жаноби мулла Аҳмаджонга миллатпарастликлари учун ташаккур этар. Аллоҳ таоло амсолини купайтурсун.

“Ойина”, 1914, 12-сон,
287-288-бет.

ЗИЁЎИ АЛИМ - АЛАМЛИ ЙЎҚОТИШ

Мақолада бухоролик тарихчи, табиб ва сайёҳ Мирзо Сирожиддин ибн Мирзо Абдурауфнинг вафоти муносабати билан таржимаи ҳоли келтирилади. У 37 йил (1874-1914) умр кўрди. “Бухоро аҳли тухфаси” номли саёхатномаси, мақолалари нашр этилган.

Дуктур Собир лақабли Мирзо Сирож ҳаким ибн Мирзо Абдурауф Бухорий сафар ойининг 19, жумъа куни ҳақ раҳматига етишди. Жумъа куни Кукалдош мадрасаси саҳнида жаноби Эшон Қозикалон имомлигидаги жумъа намози адосидан сўнг шаҳар аҳолиси ва аъёнлари, уламо ва шайхулислом, муфтийлар, 5000 нафардан зиёда жамъият иштирокида унинг жаноза намозини ўқидилар. Наъшани Қавола дарвозаси ташқаридаги аждодлари гурхонасига дафн қилдилар. Худованди Карим раҳмат этсун.

Мазкур марҳумнинг қисқача таржимаи ҳоли: 1295 йил

хижрийда (милодий 1878) тутилган. Бошлангич таълимдан сўнг форсий ва туркий тиллар сарфу наҳви, арабийни, диний ақоидани ўрганди. Яна рус тилидан ҳам ибтидоий таълим олди. Кейин ота касби тижорат билан шуғулланди. Форсий адабиётга татаббуъ боғларди. Йигитлигида қадим шайх услубида шеърлар ёзди. Сўнг саёхатга отланди. Россия ва Европа мамлакатларида, Истанбул, Эрон, Ҳиндистон ва Афғонистонни саёхат қилди. Саёхат асносида замонавий тибб илми билан шуғулланди. 1327/1909 йили Бухорога келди, табибчилик билан шуғулланди. Бир неча йил улка касаллигига гирифлор бўлди. Шу йили иш билан Эроннинг Решт шаҳрига борди. Бу ерда касали зурайди. Сафар ойининг 5 куни Бухорога келди, 15 кун яшаб, 37 ёшида вафот этди.

Нашр этилган “Тухафи аҳли Бухоро” номли саёхатномаси мавжуд. “Бухоройи Шариф”, “Турон”, “Самарканд”, “Ойина”, “Найбаҳор” (Тус шаҳри) газеталарида мақолалари босилган. Ундан кейин 65 яшар қари отаси, 4ч яшар угли, 6 ойлик қизи қолди.

“Ойина”, 2-сониди (23-бет) шеъри босилган.
“Ойина”, 1914, 12-сон, 191-192-бетлар.

УСТОДИ МУХТАРАМ МУФТИИ ИСЛОМ ЖАНОБИ ДОМЛО ИКРОМ!

Маърифатпарвар домла Иқромнинг Бухоро амири томонидан Бухоро муфтилигига тайинланиши муносабати билан “Ойина” журналининг табриги.

Ҳазрат! Зотан, исломият жаҳонда ҳаққоният, хайру алолат нашри учун келиб экан, мурури замон ила губоралуд бўлуб, ҳозирги замон аҳли назарига қурунмаслик даражада келмоқда экан, ҳақиқатларни очиб берганингиз муқофотида бечора миллат, зоти олийларига налар қурсатдилар. Хайр, ул-да ўтди, алҳамдулиллоҳ ал-явм-инноллоҳил яъмаркум ан туъ давоал-омонат ало аҳлиқа. - Мазмуни шарифига мувофиқ Бухоройи Шариф муфтилигига таъйин

этганларидан камол даражада масрур ва жаноби оли
Амири Бухоро ҳазратларини дуо этдук. Зоти ҳикматини
сифатларини ожизона табрик этмоқ нияти ила ушбу маъ
ризайи ночизонамизни “Ойина” воситаси-ла ҳузур пур
нурларина тақдим этмоқ ила муфтахир улурмиз.

“Ойина”, 1914, 12-сон
276-бет.

ҲУҚАНДДА УСУЛИ САВТИЯ МУАЛЛИМЛАРИ

*Қўқонда фаолият кўрсатаётган 22 нафар жалиднинг
исми шарифи келтирилади.*

Ошурали ибн Мухаммад Зоҳир, Ваххобул-Ибодий,
мулло Маҳмуджон қори, Маҳмудхўжа Аҳмадхўжа ўғли,
мулло Фулоджон Абдулкайюм, Асрорхўжа Зайниддинхўжа
ўғли, Умаржон Убайдулла ўғли, Мирзо Ҳаким Мирзо Али,
мулло Мухаммаджонқори Мулло Нурмуҳаммад Халифа
ўғли, мулло Олимжон Аҳмадбой ўғли, мулло Мухам
маджон домла Абдулҳолик ўғли, Соҳибжон Шермухам
мадбой ўғли, Мулложон мулло Олимжон ўғли, мулло
Исҳоқ мулло Мухаммад ўғли, Маҳмудхўжа Сайидхўжа,
мулло Ҳожажон мулло Аҳмаджон ўғли, мулло Исмоил
Жумъабой ўғли, мулло Маҳкам, мулло Ҳошимхон, мулло
Ғанихон, мулло Йўлдошбой, мулло Абдулла.

“Ойина”, 1914, 12-сон, 276-бет.

МИЛЛАТНИ КИМ ИСЛОҲ ЭТАР?

*Ёмон иллатларга барҳам беришда масжидларда амри
маъруфдан кенг фойдаланиш лозимлиги, бунинг учун
имомлар шариат қонун-қондаларидан хабардор бўлишлари
зарурлиги ҳақида.*

Биз Туркистон мусулмонлари орасинда хилофи шариат
одатларни қўлиги ҳар кимга маълумдир. Мунинг дафъи
ва ислоҳини ким этар? Бизни фикримизча мунинг дафъу
ислоҳига уламо ҳазрати камари ҳиммат боғлаб, муқаддас
меҳробу минбардан ваъз сўйлаб, аҳолига аҳкоми шариатни
билдуриб, байтуллох ҳукминдаки масжид ва жомеъларда
бир бирларини ёзган мақолаларига қарши ёзиб, бир
бирларини дажжол, малъуни-лайъин, мушрик каби сўзлар
ила ҳақорат этишмоқга бошладилар. Мухтарам Васлий ва
Дуочи! Сизлардан бутун миллатимиз тараққий умид
этмоқда ва бутун миллатни назари сизларда экан, сабаб
нимадурки ўртангизга адоват тушди? Ҳақиқий мунозара
ўрнида тақфир ва талъийн тошлари отишасизлар! Эмди
бизнинг мундоғ ҳақорат ва адабдин хориж сўзларни
ишлатмоқга тоқатимиз қолмади. Миллий матбуотимиз саҳи-
фаларини мундоғ ҳақорат сўзларни ёзмоқдан поклангиз!
Сизларни бул ноиттифокчилик қилиб йургонингиз милла-
тимизга фойда эмас, балки паянда зарардур. Матбуотимизга
маънавий, адабий, ахлоқий, тарихий сўзлар ёзингиз! Бир-
бирингизни ҳақорат ва таҳқир айлаб, бу руйингиз миллати-

миз тараққийсига эмас, балки таназзулига сабаб бўладур
Мухтарам ношир ва муҳаррирлар шундоғ ҳақорат ва номус
бул сўзларга жаридаларидан урун бермасалар эди! Жаноби
Ҳақ ҳолиминизни ўзи ислоҳ айласун.

“Хужанд: Таассуф этувчи”
28-рабиул-аввал, 1333
30-январ, 1915й. №8

ТАҲСИЛ ВА САФАР ЗАМОНИ ВА ТАОМ

*Ҷаҳон халқлари билан яқинлашиб, замонавий билим-
ларни эгаллаш ҳақидага даъват этилади.*

Азиз биродарлар! Ҳазрати Али афандимиз қаррама Ол-
лоҳу ваҳҳаху ҳазратлари буюрадиларки “Аллиму авла-
адакум ли замаанин гайри замааникум, лианнаҳум ҳуликуу
аз-замаана гайри замааникум” мазмуни шарифи: *Эй мусул-
монлар! Болаларингизга келар замон илмини ўргатингиз!
Зероки, аларни Худои Таоло халқ этди, сизларни замонанг-
издан бошқа, яъни келар замон учун. Юқоридаги сўз
шундай бир қиймати баҳо ва пурмаъно ва кераклик сўздур-
ки, ялғуз онг ила биз мусулмонлар омил бўлса эдук бутун
дунё ва охирагимиз обод бўлур эди. Ҳар замонни илми,
ҳикмати ва парвариши бошқадур. Модомики ҳар бола, яъни
ҳар кимни замони отаси замонидин бошқа бўлса ва ҳар
отага келар замон учун ва келар замонга мувофиқ тарбия
ва таълим этмоғи лозим бўлса биз на учун келар замон
учун эмас, балки ҳозирги ва бутунги замони соатимиздаги
илм ва фанларни болаларимизга ўргатмаймиз. Яъни бу
кунги ҳукумат мактабларина бола бермаймиз ва ҳукумат
мактабларини ўрус мактаблари деб қочамиз. Ҳукумат
мактаблари нари турсун “усули савтия” мактабларига на
учун ривож бермаймиз ва на учун ҳар маҳаллада ~~аини~~
мактабларни очмаймиз?! Ҳазрат пайгамбаримиз алайҳи
салоти ва саллам жаноблари: “Ал-илму илман, илмул-*

абдан ва илмул-адйан" яъни, *Илм иккидур, бири бадан-тарни, дигари динларни илмидур* деган эканлар. "Ал-хикмату зааллатул муъмин" - *Илму хикмат, мусулмон кишини йукотган молидурки, топган жойидан олур*. "Утлу-бул-илма ва лав бис-сийн" яъни, *Илм хитойда булса-да талаб этингиз*. Яна "талабул-илми фаризатун ыала кулли муслим ва муслима" яъни, *Хур мусулмон эр ва хотинга талаби илм фарздур*. Яна "Ан-наас синфани, алим ва мута-аллим ва гайрихима кал-бахжи" яъни, *Одамлар икки синф бўлуб, бири таълим бергувчи, дигари таълим олгувчи, яъни укувчи ва ўқитувчи, булардан бошқа (хўмаж) деган хакир хайвонларга ўхшашдур* деганлар. Ва юкоридаги хадиси шарифларга ўхшаш амри пайгамбарий минглар ила бўлуб, ахли илмга маълумдур. Бас, энди хакикатан фармойиши диний, мунир ва амри хазрати пайгамбаримиз шул тариқа экан бизда толиби илм холи ва толиби илм замони ва илми абдан уламوسي қани? Хат, илмни ярми экан бизда хат ёзтургон киши юзда бир йук. Қайурда қолди келар замон? Илмнинг тахсили ва Хитойга бориб ўқимок. Бу кун эшикимиз олдинда замоний мактаблари очилибдур. Хазрати пайгамбаримизни "Аллиму ва яесру, башширу ва ла танфуру" яъни, *Таълим берингиз ва осон қилингиз, яъни тил ва хурсандлик ила билдуруб, нафрат қилдурмангиз!* деган мархаматларига мувофиқ - усули жа-дида мактаблари пайдо бўлубдур. Биз шарии каримни хилоф раъй ва фармойишига кетиб бадбахона ва жохилона ва мискинона бир суратда аввал мактабга ўқимокни гуноҳ ва билъат дермиз. Ўқийдургон ва ўқитадургонларни йўлдин урамиз, ох накадар кутохбинлик ва бадбахтлик! Кофирга ўқиб кофир бўларсанми дерлар. Оллох акл берсин! Хазрати пайгамбаримиз котиби вахий бўлгон хазрати Зайдни яху-лийга боруб ўқимокга буюрдилар. Ва ҳам ул киши боруб ўқиди: юкоридаги Хадисларни, албатта, фахмлагансиз. Биз-ни таржимамиз маъкул булмаса, ўзингиз таржима қилиб фахмланг ва мазмунига амал қилинг, яъни, болаларингизга келар замон илмларини ургатингиз! Ва агарчи Хитойда булса ҳам, ҳолбуки Хитой эмас. Илми замоний мактаблари Туркистоннинг барча шаҳарларида мавжуддир. Ва ҳам бул мактабларда мусулмон болаларга фақат илми замоний урга-

тилиб, аммо насоро дини таълим берилмайдур. Ишлар
замоний укиб замона одамлари булганлар, рифоъ холи
ила тириклик қилганларидек, ҳукумат ишларига
аралашиб, мусулмонлар ила русларни бир-бирига яхши
танитиб ва ҳам икки арони ва икки тоифани тинч ва
яқинлиги ва бир-бирига боиси эътимоди булурлар. Ҳамда
руслардан зиёда ўз миллатларига, яъни мусулмонларга
маънан ва моддатан кўп нафлар сткурарлар. Мисол учун
ёзармиз: замонамизга мувофиқ уқиганларни бири
Самарқандий Камолиддин Ханиф Тура жанобларисирки,
аввалан шаҳар мактаби, сунгра семинария, яъни Тошкент
дорумуаллимига укиб, бир неча саналар русча муаллим
бўлуб, сўнгра Самарқанд валийсига биринчи сана
таржимон ва сунгра (Особая пружина) алоҳида ишлар
маъмури булиб охиран Самарқанд вилоятининг Хўжа
уездининг (Ўратепа) шаҳри ва атрофига престуф
тайинландики бу ишлар замонача уқимоқнинг хосиятидур.
Камолиддин Туранинг урнига, яъни баланд даражали
Самарқанд валийси жанобларининг ҳузурида (Особая
пружина)лик хизматиға тошкандий Абдурауф Тура
жаноблари тайин қилиндики бул биз мусулмонларни
истеъдод ва қобилиятимизга ҳамда давлатга ростлик ила
хизмат қилганимиз далили. Ва ҳамда Русия давлатининг
мусулмонларга инонганидин далилидур.

Русияда мусулмонлардан катта ва олий мансабларга
туғри хизмат қилиб стушгон кишилар, яъни мусулмон
судьялар, натариуслар, прокурорлар, ҳарбий ва мулкий
гинерал, яъни пошолар купдур.

Русияда бир юзи эллик миллион кадар одам бўлуб,
уларнинг энг қуби аввалан рус жинси ва андин сунгра энг
қуби биз мусулмонлармиз. Ва биздин сунгра поляк, яҳудий,
латиш, армани ва бошқа кичик жинслардир. Бизни
Туркистоннинг маҳаллий ҳукумат маҳкамаларинда замоний
мактаб, адлия маҳкамаларинда, касалхона ва дорухонала-
ринда, темир йўллар идорасинда ва барча бонқлар, тижорат
контур ва корхоналаринда сиз мухтарам ёшлар диккат этиб
қарасангиз, асл руслардин бошқа нақадар ўзга жинс
кишиларини қурарсизки катта ойлиқлар ила хизмат этарлар.
Масалан: сиз ёшлардин бири даллоллик ва ё таржимонлик
ва ё молфурушлик хизматиға ойинда эллик ва юз сум

олур экансиз, бошқа бир гайри рус, тугрусу, илми замон
ўқиган ким булсин ҳатто ажнабий ва бу кунги душмани
ҳаммамининг булса-да онга анча юз сўмлаб вазифа олур...
Буни ҳикмати надур?! Албатта ҳикмати отаси ўз боласи-
нинг замониға мувофиқ тарбия этганидур. Яна, сизға бир
мисол: Самаркандий Абдурахмон афандий, афанди Фар-
ҳодий жаноблари замонача илми тибб ва ҳикмат ўқиб,
аскария духтури бўлуб бир неча саналар аскарӣй тиббия
мансабига эди. Утган сана ул жанобни Бағдодға қарашли
“Қарбалои муъалл” кунсуллигига тайин қилиниб эдики,
муҳораба замониға Россия тарафидин Бағдодда эдилар.
Яқинда олган телеграфға караганда, консул жаноблари
охирги вақтда Туркиядин Петруградға келиб, яна вақтинча
Бухоро консуллигига тайинланибдурларки, бу ишлар
намунаи имтисоли бўлурлик ва ибратликдур. Шаҳар
мактаби, яъни (городски училишча)ға кирмок учун
боланинг русча ўқиб ёзмоғи ва озгина ҳисоб билмоғи
қеракки, мунда бир болани саккиз-ўн ой рус қулиға бериб
тарбият қилдурилса бу имтихонни бериб қирар ва мазкур
мактабни муддағи таҳсили турт санадур. Муни битиргандин
сўнгра бошқа юқори мактабға қирар. Кирмаганда ҳукумат
маҳкамаларининг котиб ва ё таржимонлигига кирса бир
ярим йилдин сўнгра тўра бўлур. Тўғрилиқ ила ишласа
престуфда бўлур, ҳокимда бўлур. Хулоса: болаларни
исдеъод ва истикболи оталарни тарбият ва саъйига
вобастадурки, мунга ҳазрати Али қаррама Оллоҳу
важҳанинг сўзларида далилдур. Энди, эй муҳтарам ёшлар!
Азиз биродарлар, ўгул тўйига сарф қилатургон
ақчаларингизни мана шу илми замоний йўлиға сарф
этингиз, сиздан ўглингизға мол мерос қолмаса-қолмасин,
балки, албатта, илми тарбия мерос қолсин. Юқориға
қайдукки болани саккиз-ўн ой рус оиласига бериб таълим
қилганса, шаҳар мактабига кирмок имтихонини берар. Ал-
батта, ёдингизға келурки русларни таомидин болани смоғи
қандайдур? Бу савол муҳаррар учун тожи сари муслимийн
ҳазрати Пайгамбаримизни саҳихи Бухорийдағи ҳадиси
шарифларидин сизға хабар берармиз. “Хадасна Юсуф бин
Муса хадасна Абул Халид хала самийту хишаам Бин аъра
яхдус тан абиҳи тан Аишата халат, халуу я расулаллох,
инна ҳуна аҳвамун хадисан аҳдуҳум биширкин, яътуна

тилиб, аммо насоро дини таълим берилмайдур. Итми
замоний ўқиб замона одамлари булганлар, рифоқ холи
ила тириклик қилганларидек, ҳукумат ишларига
аралашиб, мусулмонлар ила русларни бир-бирига яхши
танитиб ва ҳам икки арони ва икки тоифани тинч
яқинлиги ва бир-бирига боиси эътимоди булурлар. Ҳамда
руслардан зиёда уз миллатларига, яъни мусулмонларга
маънан ва моддатан кўп нафлар сткурарлар. Мисол учун
ёзармиз: замонамизга мувофиқ ўқиганларни бири
Самарқандий Камолиддин Ханиф Тура жанобларидирки,
аввалан шаҳар мактаби, сўнгра семинария, яъни Тошкент
дорумуаллимига ўқиб, бир неча саналар русча муаллим
бўлуб, сўнгра Самарқанд валийсига биринчи сана
таржимон ва сўнгра (Особая пружина) алоҳида ишлар
маъмури булиб охиран Самарқанд вилоятининг Хўжанд
уездининг (Ўратепа) шаҳри ва атрофига престуф
тайинландики бу ишлар замонача ўқимокнинг ҳосиятидур.
Камолиддин Туранинг ўрнига, яъни баланд даражали
Самарқанд волийси жанобларининг ҳузурида (Особая
пружина)лик хизматига тошкандий Абдурауф Тура
жаноблари тайин қилиндики бул биз мусулмонларни
истеъдод ва қобилиятимизга ҳамда давлатга ростилик ила
хизмат қилганимиз далили. Ва ҳамда Русия давлатининг
мусулмонларга инонганидин далилидур.

Русияда мусулмонлардан катта ва олий мансабларга
тугри хизмат қилиб стушгон кишилар, яъни мусулмон
судьялар, натариуслар, прокурорлар, ҳарбий ва мулкый
гинерал, яъни пошолар кутдур.

Русияда бир юзи эллик миллиун қадар одам булуб,
уларнинг энг куби аввалан рус жинси ва андин сўнгра энг
куби биз мусулмонлармиз. Ва биздин сўнгра поляк, яҳудий,
латиш, армани ва бошқа кичик жинслардир. Бизни
Туркистоннинг маҳаллий ҳукумат маҳкамаларинда замоний
мактаб, алтия маҳкамаларинда, касалхона ва дорухонала-
ринда, темир йулар идорасинда ва барча бонқлар, тижорат
контур ва корхоналаринда сиз мухтарам ёшлар диққат этиб
қарасангиз, асл руслардин бошқа нақадар ўзга жинс
кишиларини қурарсизки катта ойликлар ила хизмат этирлар.
Масалан: сиз ёшлардин бири даллоллик ва ё таржимонлик
ва ё молфурушлик хизматига ойинда эллик ва юз сўм

олур экансиз, бошқа бир гайри рус, тугрусу, илми замон
ўқиган ким бўлсин хатто ажнабий ва бу кунги душмани
ҳаммамизтин бўлса-да онга анча юз сўмлаб вазифа олур...
Буни ҳикмати надур?! Албатта ҳикмати отаси ўз боласи-
нинг замониға мувофиқ тарбия этганидур. Яна, сизға бир
мисол: Самаркандий Абдурахмон афандий, афанди Фар-
ходий жаноблари замонача илми тибб ва ҳикмат ўқиб,
аскарият духтури бўлуб бир неча саналар аскарӣ тиббия
мансабига эди. Утган сана ул жанобни Бағдодға қарашли
“Қарбалон муъалл” кунсуллигига тайин қилиниб эдики,
мухораба замониға Русия тарафидин Бағдодда эдилар.
Яқинда олган телеграфға қараганда, консул жаноблари
охирги вақтда Туркиядин Пеструградға келиб, яна вақтинча
Бухоро консуллигига тайинланибдурларки, бу ишлар
намунан имтисоли бўлурлик ва ибратликдур. Шаҳар
мактаби, яъни (городски училишча)ға кирмок учун
боланинг русча ўқиб ёзмоғи ва озгина ҳисоб билмоғи
керакки, мунда бир болани саккиз-ун ой рус қулиға бериб
тарбият қилдурилса бу имтиҳонни бериб қирар ва мазкур
мактабни муддағи таҳсили турт санадур. Муни битиргандин
сўнгра бошқа юқори мактабға қирар. Кирмаганда ҳукумат
маҳкамаларининг котиб ва ё таржимонлигига кирса бир
ярим йилдин сўнгра тура бўлур. Тугрилиқ ила ишласа
престуфда бўлур, ҳокимда бўлур. Хулоса: болаларни
исдеълод ва истикболи оталарни тарбият ва саъйига
вобастадурки, мунга ҳазрати Али қаррама Оллоҳу
важҳанинг сўзларида далилдур. Энди, эй мухтарам ёшлар!
Азиз биродарлар, угул тўйига сарф қилатургон
ақчаларингизни мана шу илми замоний йўлиға сарф
этингиз, сиздан ўглингизға мол мерос қолмаса-қолмасин,
балки, албатта, илми тарбия мерос қолсин. Юқорига
қелурки болани саккиз-ун ой рус оиласига бериб таълим
қилинса, шаҳар мактабига кирмок имтиҳонини берар. Ал-
батта, ёдингизға қелурки русларни таомидин болани смоғи
қанлайдур? Бу савол муҳаррар учун тожи сари муслимийн
ҳазрати Пайгамбаримизни саҳихи Бухорийдағи ҳадиси
шарифларининг сизға хабар берармиз. “Хадасна Юсуф бин
Муса хадасна Абул Халил ҳала самийту хишаам Бин аъра
ҳалус ған абиҳи ған Аишата ҳалат, ҳалуу я расулаллоҳ,
инна ҳуна аҳвамун ҳадисан аҳдуҳум биширкин, яъгуна

билахманин ла адри язкуру исмаллох амла. Хола, узкуру исмаллох ва кулуу" хулосаси, *Ҳазрати Оиша радиаллоҳу анҳо дерларки: Ҳазрати Пайгамбаримиздин суратларки яқинимизда мушриклар бор, билмаймизки, алар жонлиқни "Бисмиллох" деб сўялар ё йўк. Ҳазратимиз дедиларки сиз у гуштарни бисмиллох деб сўясиз.* Энди рус таомининг масаласи шу ҳадис ила ва ҳам ушбу оят шарифи ила ҳал бўлур: Худои Таоло Куръони Карим дер: "Ал-явма аҳаллу лакум ат-таййибаат ва таомилазийна утул-китааб ҳалл лакум" "Ал-аяту" яъни, *Бу қўя ҳалол қилинди сиз мусулмонлар учун тоза нимарсаларни ва ҳам китобнинг таоми сизлар учун ҳалолдир.* Ана Худо ва Расулининг фармониши ва марҳамати шудур. Ҳадисдин мушрик сўйганини емок, оятдан Таврот ва Инжилни узлари учун китоб билгучи насоро ва яҳуд таомининг мусулмонларга емок дурустлиги ҳам пок ва ҳалоллиги чиқар. Агарда Худо ва пайгамбар ҳалол қилган нимарсаларни смайтургон булсак ва ҳалолни смаслик ила тақволик ва суфийлик сотадургон булсак, аввал, албатта, шариатдин бошқа, виждоний ва ёинки хохишни бир ишидур. Албатта, шубҳа қилатургонлар борки, насоролардин бир қисми крессалиб осар, ибодатхоналарига сурат қўяр (Аҳнум сулс) га эътиқод этар ва мунинг ила аҳли китобликдин чиқар. Фарзан бу шубҳани қабул қилганда ва баъзи насоролар мушрик фараз булган суратда ҳам юкоридаги ҳадис ила таомларни "бисмиллох" деб емогимиз шаръан мумкиндир, ҳолбуки баъзи насороларни (сулсу салааса) сўзлари купдин бери булиб, Куръони Карим ани радду ва виждоният худони исбот этса ҳам аларни аввал сўзларни Куръонда зикр этиб туруб яна "Иа аҳлил китаб" деб Куръонда зикр ва нидо этар. Яъни китобийликдан чиқармайдур. Яҳудийларда хоказо. Агарда дейилсаки баъзи яҳуд ва насоро Таврот ва Инжилни хилофияга ишлаб гуноҳ қилган учун китобийликдан чиқдилар. Ул суратда баҳс қилгучи дерки: мусулмонлар на учун хилофи Куръон ишлаб бу қадар гуноҳ қиладурлар-да мусулмонликдин чиқмайдур. Хайру гуноҳ ва исён бошқа. диндин чиқмок бошқадур. Бас, энди бир эҳтиёт лозимдурки, аввалда ҳамр ва ханзийрни таомга қўшилмаганлигини билмокдин иборатдур. Куръон амридин ташқари

ҳозирги парҳез ва бошқа от ила "тақво"лар, мусулмонлар орасинда тасаввуфи қадима қаблал-исломия ва сиссат ва душманлик сабаби ила кирди. Ёинки яҳудийлардин ва хинд мажусийлардин ва роҳиб ва тарки дунё қилгонлардин ва бошқа шуларга ўхшашлардин ўтадики, яҳудий ва хиндий ва эроний форс-брахман деган номусулмон халқи орасинда ҳануз жорийдур. Биз Туркистон мусулмонларининг ўз орасинда ҳам мусулмон пиштургон бозор таомини ва ёинки кишлоғи таомини тўй ва таъзия худойи таомларини смайтургон ва ҳатто хайвон гуштини (нафсоний бир иш бўлур, шариатга), товук тухумини смайтургонлар борки, ул виждоний ва ёинки хохиши нафсоний бир иш бўлур, шариатга ани асло даҳли йўктур. Масалан, бир катта киши сув ичмайдур. Онин ила сув харом булдиму? Албатта, йўк! Аллоҳу аълам ва расулуҳу.

ТЕАТР НАДУР?

Театр нимадур? Жавобга: театр ибратнамодур, театр ваъзхонадур. Театр таъзири адабийдур. Театр ойнадурки, умумий ҳолларни онда мужассам ва намоён суратда қўликлар қуруб, қар-қулоқсизлар эшитиб, асарланур. Хулоса, театр ваъз ва танбех этгучи ҳамда зарарлик одат, урф ва таомилни, қабих ва зарарни иснан қурсатгучидур. Ҳеч кимни риоя қилмасдин тугри суйлагувчи ва очик ҳуқуқитни билдиргувчидур. “Қўл ал-ҳаққа ва лав қаана мурран” мазҳаридур. Айни замонда яна тамошогоҳ ва синки кўнгул очгувчи миллий ва адабий ҷамиятларни боисидур. Тараккий қилгон миллатлар театрхоналарни улуглар учун - мактаб ва ибрат атайдур. Тараккий қилмокнинг энг биринчи сабаб ва боисларидин бири театрлардур дейурлар. Театрларнинг яхши ва ёмон одатларни сарроф ва мунаққидий дерлар. Умумий одатларни нафъ ва зараридин пайдо булатургон натижаларни театрхонада иснан қурсатурларки, ҳар ким мундин таъсирланиб, ёмон одатларни тарк этиб яхшиликни зиёда ишламоқга сабаб булур. Ҳар замона бир усули ихтисобий бордур. Бу замонда театрхоналар ҳам ямон ва зарарлик одатларни ихтисоб ва танқид қилиб, ямонликни, қабихийни ҳалойикга қурсатиб, ваъз ва насихат этгучи бир жойдур. Театрхона сахналаринда қўйулатургон асарлар - фожеса яъни қайғулик, мазҳакий яъни кулғу, драма, яъни ҳангомалик бир воқеа ва ҳодисани тасвир этиб ҳалойикга қурсатилур. Аввал воқеадаги ямонлик ва яхшиликни пайдо булғони ва сабабини ҳар ким қуруб англаб, ибрат олур ва ямонликдин қочиб яхшиликга ҳаракат қилмоқга театрда қурсатилгон воқеалар сабаб булур. Ҳикоят ва ёинки насихат китобларинда баъзи бир ҳодисани баён қилингондурки, уқиб асарланиб лаззат олинадур. Аммо театрға махсус бир ҳодиса ва ё воқеа ва ҳикоятни феълан қилиб қурсатиладурки, мунинг таъсири эшитгондин зиёдадур. “Шанидан қай бунад монанди дидан” (“Эшитмоқ қачон қўрмоқ қибидур”), яна театрда санҳодаси одам қузи ила қуруб, қўсиз одам эшитиб, қарра мушоҳада этиб, ибрат ва лаззат олар, хулоса, театр бир нафъ мактаб ҳукминдадур. Тараккий қилгон халқлар уртасинда театр у

қалар тараққий этгандурки, ҳар кун бир янги асар тасниф бўлуб, сахнада қуйилур. Асарни ёзгон муҳаррирга минг сўм ва ун минг сўмлаб ҳаля бериб асарини - мушаххислар сотиб олиб, сахнада қуйуб, фоида қиладурлар. Баъзи бир театр асарлари эски бўлмай ва ҳалойикни кўнглига урмай, бир шаҳарда йигирма, уттуз, ҳатто юзинчи дафъа қуйулгонлари бордур. Театрга қуйулгон асарни ортукча ва ё оз ерларини ва стушмагонларини, маишати миллиядин хориж нукталарини муҳаррирлар жаридалар ила танкид этадурлар. Ҳалойикга маъқул бўлуб ва бўлмағони ила театр муҳаррири хурсанд ва ё гамлик булур. Муҳаррирни асари яхши чиқса ҳар ким они табрик этар. Ва шуҳрати зиёда булур. Ва бул бошқа муҳаррирларни ҳаракатга келтириб, яхши асарлар ёзмокларига боис булур. Театр учун муҳаррирни на қадар чуқур ўйлағувчи зариф ва назоқатлиги лозим булса, мушаххас (ҳодисани курсатғувчи)ларни ҳам тавонан ва муқаллид ва ҳар нимарсани ўзидек қилиб курсатғувчи, нуктадон бўлуши лозим бўлуб, бул алоҳида бир санъатдурки, оврупоийлар мунга ҳам алоҳида мактаб ижод қилгондурлар. Сўзни қисқаси театрхоналар - масҳарабозхона бўлмай, балки ибратхонадур. Ва онда мушаххис булатургонлар (уйинчи ва масҳарабоз) бўлмай, балки мушаххас ва муаллими ахлоқдурлар. Тараққий қилгон ҳалойик орасинда мушаххаслар ҳам қибор муҳтарам синфлар қаториндадур. Хусусан, ўз қиссаси нафига мушаххаслик қилгон, балки мактаб ва ўз миллати нафига мушаххаслик қилгонларни кадри ду боло зиёдадур. Биз Туркистон ва Бухорода миллий театрдин асар йўқ эди. Муҳаррири ожиз - "Падаркуш"ни ёздики", утгон феврал ойинда Самарқанд, Хуканд, Бухоро ва Тошкент ва Каттакўргон шаҳарларинда миллат нафи учун кўнгилдилар сахнада қуйуб, тўрт, беш минг сўмни тўрт, беш кечала жамлаб мактаблар фюидасига бердилар. Мана энди муҳтарам Самарқанд кўнгилли мушаххаслари гайрат қилиб, яна "Падаркуш"ни Самарқандда, 4-майда сахнага қуйуб, ҳосилини мактабларга сарф учун бердилар. Муҳтарам ҳамшаҳарларимиздин рижо этармизки, келиб кургонлари гуноҳ бўлгон жойини кўрсатсалар, ончинин асарни танкид этиб, бузук ерини матбуот ила баён этсалар, токи боиси ислоҳий бўлинса. Аммо бугунгича

мухтарам аҳли қалам, “Падаркуш”ни бузук ерини кўрсатмай, балки (қулдургувчи ва ҳам йиглагувчи носих ва нофел асардур) молинда табрик ва тақризлар ила ёздиларкин, аларга ташаккурлар айтармиз. Асаримизни кабихийни ёзгон кишига зиёдарок ташаккур айтмоқга фадйунмиз. Чунки боиси ислохдур. “Мутакаллимро то айб нагиранд суҳанаш ислох на пазиранд-сўз сўйлагувчини айб этмагунча сўз туз олмайдур”. Баъзи бир аҳли ватаннинг театр асари ёзмоқга машгулликлари эшитилурки, асарларига чаҳор чашм ила мунтазирмиз. Ёзгон асарларни кўнгулли дасталари сотиб олиб бостурсалар, фоида ҳам қиладурлар. Чунки бир кишига ҳам ёзиб, ҳам бостуруб ва ҳам сахнада қўйдурмоқ мушкулдур. Дўстлари сотиб ола берсалар, асарда купа-йур. Туркистонда ойинда бир асар тах рир бўлинсада, қўплик қилмайдур.

УЛУМ ВА МАОРИФ

Илму маърифатнинг афзаллиги ҳақида

Оламда ҳар шайдин ҳур жихатдин афзал ва акъо нимарса: “илм ва маориф”дур. Чунончи, фикр қилсак, назаримизга намосн бўлурки, бутун оламдаги мавжудот ва мухтариотни ҳаммаси шул улум ва маорифнинг қувват ва муованати бирлан мавжуд бўлгондур. Оламда катта-катта адиб, муҳаррир ва шоирлар етишуб, оламни гулистон айлабдурлар. Било шакк, шул улум ва маорифнинг самараи олиясидур. Оламда ҳар миллатким тараққий йўлига кадам қўймоқга ноил бўлубдур. шул улум ва маорифнинг муованати бирландур. Илмининг зидди жahlдурки: онинг бирлан ҳеч бир миллат тараққий этмоқга ноил бўлмай, балки тараққийнинг зидди бўлгон таназзул балосига дучор ўлуб, оҳиста-оҳиста махв ва инкироз дарёсига гарк бўлуб, яъни тараққийнинг йули илм, таназзулни йули жahlдур. Хаттоки, яшамок ва махв бўлмоқнинг йули шул икки нимарсадур. Чунки тараққий қилгон миллат, албатта, яшар ва таназзул

этгон миллиат махв булур. Бейлмнинг сафохат, разолат, сасолат, адоват балосига дучор булмоги ҳар нимарсадин аввал маълумдур. Бас буларнинг ҳар қайуси ихтилофнинг интишорига биринчи сабаб булуб, аввал ҳам таназулнинг биринчи асбобидур. Аммо буларнинг акси булса, ул вақтда албатта иттиҳод, иттифок пайдо булуб, тараққийга қадам қўйилмоги муқаррардур. Энди келайлук Туркистон ва Бухородаги азиз қариндошларимизнинг аҳволларига. Умуман бизларда, маъхаз тараққий булгон улум ва маориф борми, сҳуд йўқлик (Бул саволга шояд биздин ҳам бошқа жавобгар булса) энди бул саволга жавобан дермизки: бизларда илм ва маориф бордур, йўқ эмас, лекин камдин кам, юзда бир даражададур. Баҳар ҳол олимиятимиздин жоҳилият фавқуллода зиёдадур. Агарда бугун 20 инчи аср тараққийда олим улсайдуқ, бул ҳолда турмас эдуқ, бизлар ҳам Овруполардек тараққийдин тараққийга қадам қўяр эдуқ. Ва ҳоло онга биз аҳлан ўз холимиздин хабардор эмасмиз. Бул ҳолда бизларнинг қай еримиз тараққий этсун. Ўзимиз фикр қилайлук, тараққий ўз-ўзидин мумкинми? Бул ҳолда турсак асло ва қатъан мумкин эмас. Аммо бизлар ҳам ҳаракат, гайрат, ижтиҳод этсак, хоби гафлатдин уйғонсак, улум ва маорифнинг ривожига қўйиш этсак, ушбулар учун макотиб ва мадорислар таъсис этсак, албатта, тараққий этармиз. Чунки Оврупоийлар ҳам аввалда бизлардек эдилар. Лекин билдиларки, бул аҳволда ётмоқ дуруст эмас. Чунки махв ва мунқариз булурлар. Сунгра ўзларининг савий ва ҳаракатлари бирлан бугунги ҳолатга етидиларки, ҳар кимнинг Оврупоийдек булгуси келур. Эй азиз ҳамватан! Бизлар ҳам ибрат олайлук. Хоби гафлатонамиздин бедор булайлук... Бул асрни 20 чи аср дерлар. Бул асрда бул аҳволда турмоқ боиси инкироздур. Бул, асри тараққий-дурки, тик турмайуб гайрат этгонни яшатар ва илло махв этар. Эндиликда фақат улум ва маорифнинг ривожига савий ва қўйиш айласак, яъни ўқисак ҳар иш булур, иттифоклик ҳам булур. Бул аҳволдалигимизнинг асли бейлмлигимиздиндур. Бас мунинг иложи ўқимақ! Ўқимақ! Ўқимақдур!

*Бухоро: П.Шамсий.
“Ойина”, 1915, 8-сон.*

ТУРКИСТОН ТАРИХИ КЕРАК

Тарихни ўрганишнинг аҳамияти ҳақида.

Тарих қўп аҳамиятли ва фоидали бир нарсалар. Тарихнинг фоидаларидан баъзиси ушбудурки: бир миллатнинг на тариқада, қайси йўл ила тараққий этганини ўқиб ибрат олмак, ёки бир миллатнинг на сабаблардин таназзул этиб, охири мунқариз бўлиб кетганини ўқиб мундин ҳам истифода этмак мумкинлар. Шунинг учун бизнинг ўз шева-мизда, Туркистондақ утган боболаримизнинг маиший сиссий аҳволига доир “Туркистон тарихи” бор бўлганда, он қўз олдимизда қўйиб бурунги қахрамон боболаримизнинг на йўл ила тараққий ва маданият даврига кириб ва нима сабабдин охири мунқариз кетганларини ўқиб, билиб хийла ибрат олар эдук. Ушандоқ ҳозирги ҳолиминизни боболаримиз давридаги ҳолларга бир даража муқояса этмак ила баробар ўз-ўзимиздин бир инфиол даврини хис этиб юзларимиз кизарар эди. Холо, биз Туркистонийлар марҳум боболаримиз аҳволи ҳам Туркистон воқиати тарихисидан бутун гофил ва беҳабардирмиз. Чунки Туркистон тарихи ҳақида янги тадқиқот ила ёзилгон тартибли ва истифодали мукамал бир асар вужудга келгани йўқ. Тугриси мунда тарих ёзувчи киши турк углонларидин хануз майдонга чиқгон йўқки бу эса турк болаларининг ноҳалаф бўлуб чин угул эмасликларига далилдур. Бу сўзлардин тарихсизлигимиз англашилмасин. Бизнинг тарихимиз бор, бурунги асрларда Туркистон ва турклар воқеати ва аҳволи ҳақида, туркий, форсий ва арабий тилларда неча китоблар ёзилгондурки у китоблардин рус ва бошқа европалилар истифода этгон ва этмақдадурлар. Лекин у мухталиф тилларда ёзилгон, тарихий асарлардин биз туркистонийлар истифода этуб янги муҳокама ва тадқиқот ила ўз шева-мизда мунтазам бир асар вужудга келтургонимиз йўқ. Халқи бизлар ундоғ тарихий китоблардин аксарияти ила хабарсиз бўлуб, баъзисидин хабардор бўлсак ҳам аларнинг таъ ва нашрига аҳамият бермаймиз. Чунки бизнинг халқлар андоғ китоблардин кура хурофотлик хисса, хикоя ва ошиқона газал

Китобларнига зиёда рағбатлик булгонидин моддий фойдасини кўлаб шундай афсона ва аслсиз китобларни таъъ ва нашр этмакдаммиз. Шунинг учун кундин-кун мухм тармхмй китобларммиз кўдмн тушуб, эсдан чмкуб кетмакдмдуркм, мунмнг айб ва гунохм Туркмстонда манфаатпараст китобчмлар бумнмга тушса керак. Чункм, бу сўнгм ймллмрда китобчмлар тарамфмдмн хурофюрлмк китоб ва рмсолалар нашр булмнуб тургонлмгм майдонда ва барчага маълумдур. Агарда мухтарам ношмр ва китобчмларммзм мундан сўнг ахлок бузгучм ошмкона газаллар ва соф ўтмқодлармн захарландурувчм хурофотлмк афсона китоблар урмнга муътабар тармхмй, ахлоқмй ва адабмй рмсола ва китоблар нашр этмоқга ташаббус этсалар, шояд бу хайрлм ишларм аввалмгм гунохлармнгмз юзмнм ёпар. “Садмн Туркмстон” жармдасмнга “Ммллмй тармхмзмнм км км ёзар?” мазмуnmда бмр савол кўрулгон эдм. Бмзнмнг фмкрмзмзча, мундай тармхмн ёзмоклмк нмхоятда кмймн бмр иш булуб, хозмрда бумнмнг мйфосм бмзнмнг кўймзмздмн келмайдургонга ўхшамлур. Шунмнг учун, бу хмзматмн Туркмстон тармхм мла ошно була бошлаган ёш муаррмхмзмз, мухтарам Ахмад Закмй Валидмй афандмнмнг каламдмн уммд этмакдммз.

“Оймна”, 1914, 38-сон

ШОИР ВА МИЛЛИЙ ШЕЪРЛАРИМИЗ

Шеърларнинг халқ тушунадиган тилда ёзилиши зарурлиги ҳақида.

Шеър, одамларни кучлига роҳат беруб, гамларини қил-гучидур. Бир эшон мударрис маснавидан гулистондан ўзи англайдургон шеърларни ўкиб роҳатландиги каби бир қишлоқ одами ҳам ўзи англайдургон тил ва шевада ёзилгон шеърларни муҳаббат ила ўкиб, шоирни ҳурмати ва номи халқ орасида абадан қолур. Ҳар қайси миллат ўзи англамайдургон тилда ёзилгон шеърни ўқув олмаслиги ва шоирини ҳам номи миллат орасидан қочиб, йук қўлмоғи табиийдур. Эмди ўзимизни миллий шеърларимизга келайлук, қура-мизким, миллатимиз орасида миллий шеърни таъсирни йукдур. Мунга сабаб нимадур. Мунга сабаб мухтарам шоирларимизни ўз шева-мизда шеър ёзмасдан - шеърларни ярмидан куброғи усмонлича ва тоторчадан қўйилгонли-гандур. Мисол учун кина шул тубайндаги шеърларни келтируримиз:

“Чу чу қилар тарбият биз илмдан бегона сархуш,
Авомун-нос гийбат ҳосили афсона сархуш,
Эшон суфий тамъи жомига ҳуландир дему ё рабб” -
“Умиди раҳмат этмак ихтилофи раъй умматдан,

Анга бугзурки хайри умид эдур шеър ва шакҳватдан
сотилди бек учун бу миллат мархуум агйорда” . . .

Юқоридаги ёзилгон шеърлардан ниҳоятда қўп улуб мухтарам шоиримиз Абдулло Аллоний жанобларини “Адабиёт” исми мажмуаларидаги шеърлар ҳаммаси диълик бизнинг тилқа хилоф бир шевада ёзилгондирки, усмонийча билгон бир одам тушуниб, бошқа одамлар мутлоқ англамайдур. Ори, усмонийча лазиз ва энг адабий шева дейлук. Тоторчани бизга не муносабати бордурки на адаб ва на шоғирдларимиз билмайдур. Ашъоримиз миллат англамайдургон тилда ёзмокларидан максуд нимадур? Мухтарам Абдулло афандини адабиёт мажмуасини мактабларни дарс

жадвалига киритмишлар. Маъсум болалар ўз тилларини
хам дуруст сўзламайдургон вақтда, ўзи англамайдургон
шеърларни ўқитмасдан, англамайдургон шевада ёзилгон
шеърларни ўқитмок дуруст бўлмаса керак. “Адабиёт” маж-
муасидаги шеърларни болалар эмас, балки баъзи муаллим-
лар хам англамайдурлар. Хар нечук бўлса хам сўзимизни
мухтасар этуб, мухтарам шоирларимиздан илтимос этиб-
дурмизким, энди ёзодургон шеърларингизни ўз шеъамиз-
да ёзингиз! Токи, миллат шеърингизни ўқиб фойдалансун
деб сўзимни тамом қилтурман.

“Ойина”, 1915, 9-сон.

ТУРКИСТОН МУСУЛМОНЛАРИГА!

*Кавказда хонумонидан жудо бўлиб, очарчиликка дучор
бўлган мусулмонларга срдан қўлини чузмоклик зарурлиги
ақида.*

Хазрат! Кафказдаки қориз мусулмон қариндошлари-
мизнинг кўргон жонсуз кулфатлари, яъни харбзада бўлуб,
катл ва горагга учраб, баъзи хоналар ёндурулуб, кеча бой
ва давлатлик экон, бутун гадо даражасига келиб, баъзи
рузгорлар махв ва паришон бўлуб, қолгонларида оч ва
ялонгоч, қорлик тоғ ва даштга қолгонлари ва ниҳоятда
бенаволикга учраб, ҳатто “Нон, нон!” деб зорилаганларини
Кавказ матбуотига ўқилур. Ҳодисани ростлиги яна Кавказ
ҳукуматининг баъни ила собитдур. Эй, ҳаммиятлик биро-
дарлар! Маъкур бенаво мусулмонларга иъона юбормокга
гайрат этунгузки, амри шариат ва айни инсониятдур. Ҳу-
дойини Бокуда “Иқбол” жаридаси идорасига юбормок
мумкиндур.

1915 й. 28 феврал.

1333 х. 26 Рабиус-соний. №10.

ТУРКИСТОН ОДАМЛАРИНИНГ АДАДИ

Россиянинг йиллик ҳисобиға кура Туркистон аҳолиси 1912 йилда 10957400 нафар экан.

Россиянинг йиллик ҳисоби ила 1913 санаға маҳсус бир солнома нашр қилинибдурки, бу солномада Русиядаги мухталиф миллатларнинг миқдоридин маълумот берилгани ҳолда мусулмонлардин Туркистон аҳолиси ҳақида ушбу факра дарж қилинибдур: 1912 йилда Туркистон мамлакатининг умум аҳолиси ун миллион 557 минг тўрт юз нафардин иборат экан. Ернинг кенглигига нисбат ҳалки, урта ҳисоб ила, ҳар бир мураббаъ чоғирим ерга тўрт ярим нуфус тушадур. Халқнинг энг зиёда ва куб бўлган ери Самарканд вилоятидур, бунда бир мураббаъ чоғирим масофаға 19 10/8 нафар ва ондин кейин Фарғона вилоятидурким, онда 17 10/4 нафар ва баъад Сирдарё вилояти бўлуб, бир чоғиримға 5 10/4 тушадур. Ва бу ададнинг юзда туксонидин зиёдаси мусулмондур.

ТУРКИСТОНЛИЛАРА ХИТОБ

Туркистон аҳли ўз ҳуқуқлари, маърифати учун курашмоғи лозимлиги ҳақида.

Эй мусулмонлар, биродарлар! Бизларға чолишмоқ ақти етмадими? Бу қадар жаҳолата ботдикмиз-да етмасми? Чинки биз мусулмонлара чолишмоқ ҳаром ва ё гуноҳми-ур? Бу қадар жаҳолатта ботдигимиз, стар. Эмди мозийимиз ила истиқболимизи уйламоқ керак. Биз туркистонликлар адар орқада қолган ҳеч бир миллат қолмади. Африко ваҳийлари-да биздан илгаридурлар. Биз бошқа миллатлардан брат олайлукла, ўзимизни эркимизни билмоқға ижтиҳод гайлик. Миллатимиз эҳтиёжини ва миллат ишларини тут-и йўлга солмақға ҳаракат эдалим. Ватан ишларимиза ҳар қили ердамда бўлиналим. Жаҳолат ва сафолатдин миллати-

мизни кутқармоқга чолишалим. Мактаб мадраса очмакга, жамият ва ширкатлик тижоратхоналари таъсис этмоқга ҳаракат эталим. Русия, Оврупа, Миср ва Истанбулга талаба юбормок керакдур. Эй туркистонли мусулмонлар, биродарлар! Қўзингизни очинг, мажалла ва жаридаларга боқуб, дунёни билинг, жаҳолат ичинда гарк ўлмиш ўлан ватандош ва миллатдошларимизни кутқармок керакдур.

Истанбул: Туркистон талабалари.
“Ойина”, 1914, 27-сон.

ФРАКЦИЯМИЗ ВА ЖАМОАТ

Давлат думасида мусулмон фракцияси старли маблаг билан таъминлангани ва у давлат думасига

- 1) муаллимлар,*
- 2) дорулмуаллимин (ўқитувчилар уйи) ва*
- 3) забх хусусиядаги лойиҳаларни тақдим этиши лозимлиги ҳақида.*

Давлат думасида мусулмон фракциясининг вужуди ва жамоатининг бу фракцияга ёрдам бериши лозимлигидан баҳс қилмок ҳожати йўқ. Бул аҳамият лозимлик даражада маълум бўлган булса керак! Мусулмон фракциясининг идорасига ва хизматларини қилатургон учун лозим бўлгон бир йиллик харажат таъйин қилиниб, аларга таслим бўлинда. Муни биз миллатга хабар бериб ифтихор қилармиз. Аввалда эълон-қилинган 1155 сўмдан бошқа, фракция хазинадори (Бойтераков) жанобларига 3000 сўм ҳам берилдики, жами 4155 сўм бўлур. Энди фракциямиз керак бўлатургон харажат тўғрисида хотиржам бўлубдур. Қилатургон ишларида жамоатдин маънавий ёрдам кўрадурлар. Фракциямизнинг химмат ва гайратидин умидвормизким, мушонарага, кенгашга ва таҳрирга мохир одамларни ва аҳли ҳуқуқдан керак бўлгон шахсларни даъват қилиб, ушбу матлаб ва лойиҳаларни тайёрлаб, давлат думасига тақдим қилсунлар:

1. Муаллимларга тааллуқ қилган низом лойиҳаларини,
2. Дорил-муаллимин хусусидаги лойиҳани,

ТУРКИСТОН ОДАМЛАРИНИНГ АДАДИ

Россиянинг йиллик ҳисобиға кура Туркистон аҳолиси 1912 йилда 10957400 нафар экан.

Россиянинг йиллик ҳисоби ила 1913 санаға маҳсус бир солнома нашр қилинибдурки, бу солномада Русиядаги мухталиф миллатларнинг миқдоридин маълумот берилгани ҳолда мусулмонлардин Туркистон аҳолиси ҳақида ушбу факра дарж қилинибдур: 1912 йилда Туркистон мамлакатининг умум аҳолиси ўн миллион 557 минг тўрт юз нафардин иборат экан. Ернинг кенглигига нисбат ҳалки, урта ҳисоб ила, ҳар бир мураббаъ чоғирим ерга тўрт ярим нуфус тушадур. Халқнинг энг зиёда ва куб бўлган ери Самарқанд вилоятидур, бунда бир мураббаъ чоғирим масофаға 19 10/8 нафар ва ондин кейин Фарғона вилоятидурким, онда 17 10/4 нафар ва баъад Сирдарё вилояти бўлуб, бир чоғиримға 5 10/4 тушадур. Ва бу ададнинг юзда туксонидин зиёдаси мусулмондур.

ТУРКИСТОНЛИЛАРА ХИТОБ

Туркистон аҳли ўз ҳуқуқлари, маърифати учун курашмоғи лозимлиги ҳақида.

Эй мусулмонлар, биродарлар! Бизларға чолишмоқ вақти етмадими? Бу қадар жаҳолата ботдикмиз-да етмасми? Ёинки биз мусулмонлара чолишмоқ ҳаром ва ё гуноҳмидур? Бу қадар жаҳолатта ботдигимиз, стар. Эмди мозийимиз ила истиқболимизи ўйламоқ керак. Биз туркистонликлар қадар орқада қолган ҳеч бир миллат қолмади. Африко вахшийлари-да биздан илгаридурлар. Биз бошқа миллатлардан ибрат олайлукда, ўзимизни эркимизни билмоқға ижтиҳод этайлик. Миллатимиз эҳтиёжини ва миллат ишларини тугри йулға солмақға ҳаракат эдалим. Ватан ишларимиза ҳар турли ёрдамда бўлиналим. Жаҳолат ва сафолатдин миллати-

мизни кутқармоқга чолишалим. Мактаб мадраса очмакга, жамият ва ширкатлик тижоратхоналари таъсис этмоқга ҳаракат эталим. Россия, Оврупа, Миср ва Истанбулга талаба юбормок керакдур. Эй туркистонли мусулмонлар, биродарлар! Кузингизни очинг, мажалла ва жаридаларга боқуб, дунёни билинг, жаҳолат ичинда гарқ улмиш улан ватандош ва миллатдошларимизни кутқармоқ керакдур.

Истанбул: Туркистон талабалари.

“Ойина”, 1914, 27-сон.

ФРАКЦИЯМИЗ ВА ЖАМОАТ

Давлат думасида мусулмон фракцияси старли маблаг билан таъминлангани ва у давлат думасига

- 1) муаллимлар,
- 2) дорулмуаллимин (ўқитувчилар уйи) ва
- 3) забх хусусиядаги лойиҳаларни тақдим этиши лозимлиги хақида.

Давлат думасида мусулмон фракциясининг вужуди ва жамоатининг бу фракцияга ёрдам бериши лозимлигидан баҳс қилмок ҳожати йўқ. Бул аҳамият лозимлик даражада маълум бўлган булса керак! Мусулмон фракциясининг идорасига ва хизматларини қилатургон учун лозим бўлгон бир йиллик харажат таъйин қилиниб, аларга таслим бўлинда. Муни биз миллатта хабар бериб ифтихор қилармиз. Аввалда эълон-қилинган 1155 сўмдан бошқа, фракция хазинадори (Бойтераков) жанобларига 3000 сўм ҳам берилдики, жами 4155 сўм бўлур. Энди фракциямиз керак булатургон харажат тўрисида хотиржам бўлубдур. Қилатургон ишларида жамоатдин маънавий ёрдам курадурлар. Фракциямизнинг химмат ва гайратидин умидвормизким, мушоварага, кенгашга ва таҳрирга мохир одамларни ва аҳли ҳуқукдан керак бўлгон шахсларни даъват қилиб, ушбу матлаб ва лойиҳаларни тайёрлаб, давлат думасига тақдим қилсунлар:

1. Муаллимларга тааллуқ қилган низом лойиҳаларини,
2. Дорил-муаллимин хусусидаги лойиҳани,

3. Забх хусусидаги баён холини ва ҳам келар кузгача идораи рухонияларнинг ислохига доир катта лоихани хо-
зирлаб, топширсунлар. Бу йил фракциямизнинг харажати
Кирим, Волга мусулмонларининг химмати ила тадорик
килинди. Қафқаз ё ва Туркистон мусулмонларининг ғайрат-
ларинида мундан кейин эшитмок ва курмок умидиламиз.
Фракциямизнинг вужуди ва хизмати бир саналик эмас.
Хар йилда ҳам хизматлар ва ҳам харажатлар лозим булур.

1914 й. 5 апрель.
1331 х. Жумодил-аввал. №24

МУСУЛМОН ХОТУНЛАРИДА ИЛМСИЗЛИК

*Миср худудида 5265250 нафар хотин-киз яшаб, 20600
нафари, яъни ҳар юз нафаридан бири саводли экан.
Саводлиларнинг купи овруполикдир.*

Миср тавобеинида охирги ҳисобдан 5 миллиун 265 минг
250 нафар хотун борлиги билинди. Буларнинг ялгуз 20
минг нафари, яъни юз хотунга бир нафари укиб ва ёзмок
билур экан. Аларнинг-да куписи оврупали ёки насоро араб
хотунларидур. Демак, мусулмонлардан укиб ёзмок билувчи
мингда бир ҳукмидадур. Холбуки, укимок намоздек эр ва
аёлга шаръан фарздур.

6 нуйабр. 1914. №1
1-Мухаррам, ал-Ҳаром. 1333 х.

Лугат

- Асқл - тобе ерлар
Ажр - мукофот, эваз
Ал-онг - хозир, шу пайтнинг узида
Алко (илко) - тапшап, қўятини
Амқж - мулклар
Асаф - таассуф, кайгу
Асобат - нишонга тегиш, ҳақиқат, тўғрилиқ
Асарланмок - таъсирланмок
Атқоли (тифлнинг қўлиги) - болалар
Ашпор - шёрлар
Ақю (кавий) - энг кучли
Баю алайх - шунга кўра, шунга биноан
Бас, биноан алайхи - бас, шундай экан
Бенаволик - гамгинлик, қайғулик
Бемухабо - тортинмасдан, иккиланмай
Билбат - динга кейин қўшилган урф-олат
Билрю неж - шак-шубҳасиз
Васий - нояга етмаган етим болаларга гамхўрлик қилувчи шахс,
маънавий ота
Васоят - васийликни қабул қилиш
Ватыл - қўрқитиш, таҳдид, огоҳлантириш
Визр - оғир юк, оғирлик
Дирял - онг, ақл ва тажриба йўли билан англаш, огоҳлик
Дорулкаю - қозихона
Дору-тарбия - мактаб, болалар уйи
Ду бою - яна, икки бор
Жола - катта йўл; қоида, низом
Жарил - газета
Зарфинда - мобайнида, вақт оралиғида
Зомин - кафиллик, амин бўлмок
Имюл - мадал, қўмак, ёрдам
Имтисол - мисол тариқасида, намуна
Ийфю - ижро
Иппикор - кенгайиш, тарқалиш
Иппибх - огоҳлик, гафлатдан уйғониш, кўз очилиш, танбех
Ипфидл - тапшинга тушиш, гам тортиш
Ионат - ёрдам, мадал
Истифода - қўллан, фойдаланиш
Ихюл - биродарлар, дўстлар
Иппибх - шубҳа, гумон, шак
Икнол - ишқантириш, қаноат ҳосил қилиш

Икор - кўчмас мулк, ховли-жой
 Иккило - эргашмок, ияриш
 Иккило - тақозо, талаб қилиш
 Ихтисоб - ҳисоб-китоб, тафтиш
 Калом илми - зътиқол илми
 Касолат - ялқовлик, ишёкмаслик
 Кибор - қағдалар, оксоқоллар
 Кураи арз - ер юзи, ер курраси
 Кутухбин - калтабин
 Лулум - лозим, керак
 Маатгаассуф - афсус, надоматли
 Маатташаккур - миннатдорлик билан
 Мавсуф - сифатланган, васф этилган
 Мавкуф - тўхтатилган, боғлик
 Малюхил - даромад, кирим
 Мадюн - қарздор
 Мажалла - журнал
 Макотиб - мактаблар
 Мамну - ман қилинган, рад этилган
 Манхий - таъқиқланган
 Мансух - бекор қилинган, йўқка чиқарилган
 Малум - зарур, муносиб
 Мағлаб - эҳтиёж, талаб
 Масруф - сарфланган, харажат
 Маълумиёт - геология, минералогия
 Маъсум - гуноҳсиз, гўдак
 Маъгал - қутиб қолиш, зориқин
 Маъхаз - манба, хазина этилган жой
 Мақдух - таҳқирли, номақбул
 Мақсуф - таълаб юборилалган, кераксиз
 Махв - барҳам еган, йўқ қилинган
 Молар - она
 Мозий - ўтмиш, тарих
 Муаххаз - дашном берилган
 Муборица - кураш
 Муваккиф - бекат, станция
 Муованат - қўлдан, ёрдам бермок
 Мунқариз - ўйилган, тугатилган, барҳам тошган
 Муфаттиш - тафтишчи, кузатувчи, текширувчи
 Мугалайийин - диндор, рухоний, диёнатли
 Мугалларий - шариат бўйича йўл тутувчи
 Мутааххил - тушқун, наста туширилган
 Мутамаддун - маданиятли

Мухтариот - ихтиролар
 Мушаккас - актёр, образ яратувчи
 Мушаккари - маслахат, кенгаши
 Мухталиф - турли-туман
 Мукояса - қиёсланиш
 Мухтаний - ўз ичига олган
 Намози фажр - бомдод, тонг намози
 Насоро - христиан динидагилар
 Нафсиамр - ҳақиқат ҳол
 Нафсоний - шахсий, хусусий
 Номаишуъ - шариат қонун-қондасига ҳилоф
 Ногашил - кўринмас, махфий, ноаниқ
 Носих ва нофсъ - насихат берувчи ва фойдалли
 Нохалиф - аждодиға гортмаган, ноқобил бола
 Нуқтаи қом - сўзамол, сўзга чечан
 Ойин - урф-олат
 Ори - ҳа, худди шундай
 Оромак - йиғмоқ, тўшламоқ
 Рихо - илтижо, сўрамоқ
 Рифоҳ - фаровон, омадли
 Савк - табиат, қилиқ, қудрат, даъват
 Санм ва салюват - рўза ва намоз
 Саркат - бойлик, капитал
 Сарих - очик, аниқ, равшан, ойдин
 Сарроф - сарф қилувчи, пул алмаштирувчи
 Сафолан - пасткашлик
 Сафохил - ақлислик, подонлик
 Силиқ - ҳунар, санъат
 Таассуф - афсус, надомат чекиш
 Таб - напш қилиш
 Табъалик - фуқаролик
 Таъовени - тобъ кишилар, эргашувчилар
 Тадрис - дарс ўқимоқ
 Тажаддул - янгиланиш, ўзгариш
 Тажили - Қуръонни кироят билан ўқий олиш
 Такфир - кофирга йўйиш
 Таъин - лаънатланиш
 Таълю - баланд, юксак
 Тарака - мерос қолган молни тақсимлаш
 Таслиф - танлаш, тартиб бериш
 Тасфил - софлаш, тозаланиш, тиниклаш
 Татаббуъ - назира, ухшатма, эргашмоқ
 Тафсир - Қуръон оятларини изоҳлаш, шу тўғрисида ёзилган китоб

Тафтинкул - текширишлар
 Таъбири билмол - жазо тариқасида молини мусодара этиш
 Таҳсиб - бўянмоқ, хино куймоқ
 Улабо - адиблар
 Улум - илмлар
 Умрон - ободонлик, фаровонлик
 Усули савгия - ўқитишнинг овозли усули
 Усули фикҳ - шарият қонун-қоидалари хусусидаги илм, фан
 Фаройиз - мерос тақсимлаш қонун-қоидалари
 Фигор - оғир аҳвол
 Фунун - фанлар
 Хайриятан лис-саир - етим моли ҳисобидан хайрия бериш
 Ханжийр - чучқа гўшти
 Хамр - маст қилувчи ичимлик
 Хулқори - сақланмоқ
 Хусрудунё - йўқотиш, мол-дунени бой бериш
 Чаҳор чашм ила - интизорлик билан
 Шай - нарса (кўчилиги-ашё)
 Шаҳис - машхур, атоқли
 Шуаро - шоирлар
 Шуруъ - бошлангиш
 Эъроз - эътироз, рал этиш
 Эътимол - ишонч, келишув
 Эътино - эътибор, аҳамият бермоқ
 Ядулқох маъал-жамоа - Аллоҳнинг қўли жамоа биландир
 Яъс - маъюслик, умидсизлик, қайгу
 Қаблал-исломият - исломдан олдин
 Қавлан - оғзаки
 Қазф - тош отмоқ, лашном бермоқ
 Қуллол - ҳаққа ва лав каана мурғал - ҳақиқатни тапир, тарчи
 аччиқ бўлса-да
 Қўрис - азобланган, жабр кўрган
 Г Дума - Давлат Думаси
 Ҳамият - ор-номусни сақлаш ва уни химоя, муҳофаза қилиш
 Ҳаққул-абал - абадий ҳақиқат, тапир
 Ҳирифт - ҳунар, санъат
 Ҳонюкалю - шу заҳоти, эр қилмоқ, шошириш
 Ҳўмож - сўвбойи, ярамас

«Ойина»
(1914-1915 й.)

“Академия” нашриёти
Тошкент - 2001

Нашр учун масъул Ф.Р.Эргашев
Рассом Р.Султонов
Мусаххих Г.Абдулласва
Техник муҳаррир, компьютсрчи Л.Фаҳрутдинова

Теринша берилди 2.11.2001 йил. Босинша рухсат этилди
15.11.2001 йил. Бичими 84x108 1/32. Офсет босма. Шартли босма
табоғи 4.7. Нашриёт босма табоғи 4.5. Адали 1000. Баҳоси
шартнома асосида. Буюртма №...

“Akadem-xizmat” босмаҳонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент, Ўзбекистон шох кўчаси. 45.